



1991 йилнинг март ойида, собиқ СССРни сақлаб қолиш учун охири сай-харакатлардан бири – умумиттифоқ референдуми ўтказилганида, умумиттифоқни сақлаб қолиш учун энг катта овоз, 98, ..% овоз берган айнан СССР таркибидаги суверен республика деб аталмиш Ўзбекистон республикаси бўлиб, ушбу натижага етишмоқлик учун, Ўзбекистон коммунистларининг саркотиби – иттифоқ



коммунистларининг саркотиби бўлиши билан бирга, Собиқ СССР таркибидаги суверен Ўзбекистоннинг Президенти лавозимини ҳам қўлга кирита олган Ислом Каримов учун, гарчанд 1989-йилда Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат мақоми берилган эрсада, аммо давлат тили ҳамон рус тили бўлиб сақланиб қолмоқда эди ва барча давлат ишлари табиийки рус тилида олиб борилар эди, бу эса ўзбек тилида икки оғиз

МУСТАҚИЛЛИК УЧУН: «КИМ ЖОН ФИДО ЭТДИ – КИМ УЛОҚНИ ИЛИБ КЕТДИ...»

таркибидаги Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари бекиёс эди.

1991 йилни хотирлай оладиган барча Ўзбекистонликлар аниқ эслай оладилар, (гарчанд кўрқув исканжаси ёки ўзга манфаатдорлик туфайли бу ҳақда овоз чиқара олмасалар ёки хохламасаларда), ўшанда Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Олий президиумининг минбаридан туриб, Ўзбекистон умумиттифоқдан айро яшай олмаслигини, барча коммуникация иттифоққа чамбарчас боғланганлигини, Ўзбекистон хом ашё етиштириб берадиган қолоқ аграр республика эканлигини ва иттифоқдан оладиган дотация(нафақа) эвазига яшаётганлигини тинмай таъкидлаган ва минбарда бўзчининг моксидек елиб-югуришлари, сай-харакатлари эвазига иттифоқни сақлаб қолиш учун, умумиттифоқ миқёсида энг катта овоз йиға олган эди.

Болтиқбўйи республикалари ўз мустақиллигини эълон қилаётганларида, ўша пайтдаги собиқ СССР раҳбари М.С.Горбачев уларга нисбатан ўз норозилигини билдира туриб, бунга энг ҳаётий долзарб ва тўғри мисол тарикасида

айнан И.Каримовни, унинг “ноёб” қобилиёти ва “ақлли” сиёсати туфайли Ўзбекистонда 98,..% иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берилишига эришганлигини таъкидлаб ўтиб, Ислом Каримовни мактаган эди.

Албатта, давлат матбуотининг тиним билмай-кўзни очирмай, оқни қора – қорани оқ қилиб кўрсатиб, мустақилликни И.Каримов билан Сиам эгизакларидек бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва муштарак эканлигини тарғибот-ташвиқот қилишлари махсули ила, бугунги халқ, айниқса ёшлар орасида ишониш кайфиятидагилар ҳам бор эканлиги ҳам реалликдир.

Албатта, бундай ишонч кайфиятидаги кишилар ва ёшлар қуйидаги савол эътирозларини билдиришлари табиийдир, жумладан:

— **Нима учун Ислом Каримов, Ўзбекистон коммунистларининг саркотиби – Ўзбекистоннинг Президенти бўла туриб, “Ўзбекистонни мустақил бўлишлигини хохламаган экан?” – деган савол беришлари табиийдир:**

— **Табиий саволга, жавоб ҳам табиийдир:**

Биринчидан, — Собиқ СССР таркибида, Ўзбекистон

жумлаю-калимани қўшиб гапира олмайдиган Ислом Каримов учун айна муддао, шуниси маъқулроқ ва тинчроқ эди.

Иккинчидан, 1991-йилга келиб, М.С.Горбачевнинг ташаббуси биланми ёки ташаббусизлиги биланми умумиттифоқ бўйлаб демократик кайфиятлар, кўпфирклилик “плюрализм мнени” тушунчаси остида эркин фикрлар ва қарашлар кенг ёйилиб кетган бўлиб, албатта бу Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда эди.

Шунга кўра, Ўзбекистоннинг ўзбек сиёсатдонлари ва фаол фикрловчи ўзбек интеллигенцияси, ҳамда ўзбек менталитети учун, ўзбек тилини мутлақо билмайдиган ва оила тили рус тили бўлган сиёсий раҳбарга нисбатан ишонч билдирилиши амри маҳол эди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққанда И.Каримов учун, ҳеч қандай мустақиллик керак эмас, аксинча собиқ иттифоқ таркибида бўлсада, ўз лавозими ва мавқенни сақлаб қолиш керак ва муҳимроқ эди!

Учинчидан, Ислом Абдуғаниевич Каримов учун, лавозим-Президентлик вазифаси

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

дунёдаги барча муқаддас нарсаларданда муқаддасроқ эканлигини, амалиётда кўп бора кўрсатиб келмоқдаки, бунга кейинги мисол, Коснтитуцияга зид равишда Президентлик лавозимини ўзида сақлаб қолган ҳолда, бутун Ўзбек халқига Конституцияга қатъи риоя этишга ёлғон қасамд этиб, ҳаттоки Қуръон билан ҳам қасам ичишдан тап тортмаганлигидир!

Аслидаэса, ўзбек интелегенцияси ва хур фикрловчи ўзбек халқи учун Ўзбекистон мустақиллиги керак эди ва демократик кайфиятда бўлган “Эрк” партияси халқни Ўзбекистон тўла мустақил бўлиши, озодликка эришиши учун овоз беришга чақирган, 1991-йил март ойида ўтказилган ўша референдумда ҳам, И.А.Каримовдан мутлақо фарқли улароқ, “Эрк”нинг асосий ғояси – Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ таркибидан чиқиб тўла мустақилликка эришиши учун курашиш эди.

Аммо, минг афсуски, русларда – “закон подлости”- деганларидек, кимлар мустақиллик учун жон фидо этдилар, кимлар мустақиллик деб аталмиш улоқни илиб кетдилар...

Аммо, энг алам қиладигани, мустақилликка халқни даъват этган, мустақиллик учун курашга чорлаган “ЭРК” учун, бугунги кунда Мустақил Ўзбекистоннинг эшиклари “БЕРК”...

Аммо, Ўзбекистон халқининг ҳақиқий мустақилликка, ўз эркига эришиши ва ЭРК учун Ўзбекистон эшикларининг очилиши, фақат ва фақат ўзбек халқининг ўз қўлидадир, бунинг учун ҳар бир инсон аввало ўзлигини англаб етмоқлиги ва ўз эркига ўзи эга бўлиши учун курашмоқлиги лозим бўлади, агарки ҳар бир ўзбекистонлик ўз эрки учун курашишга ўз қалбида қатъият сеза олса, Иншаоллоҳ Ўзбекистон ҳақиқий эркин ва ўз эркига ўзи эга бўлган инсонларнинг фуқаровий жамиятига етишажак. Аммо, агарки Ислом Каримовга, Ўзбекистон мустақиллиги керак бўлмаган бўлса, нега 31.08.1991-йилда, “қўрқмасдан ёким кўрққанидан” Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди, — деган савол ва эътирозлар бўлиши ҳам табиийдир.

Кейинги таҳлилимиз, ушбу мавзуга бағишланади.

ЎХХ таҳририятига келган хат



Каримов: Бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак...

Ўзбекистон Президенти Каримов ўзини «Исломий Давлат» деб атаётган террорчи гуруҳ мусулмонлар орасига адоват солиш учун яратилганини айтди.

31 август куни Тошкентдаги «Шаҳидлар майдони»да ўтган хотира маросимида гапирган Каримовга кўра, гуруҳнинг номи Ислом дунёсини таҳқирлайди.

Шунингдек, давлат раҳбари дин пешволарини жума маърузалари пайти одамларни дунёда бўлаётган ҳодисалардан огоҳ қилишга чақирган.

Каримов терроризм масаласида илк бор ўз мавқеини очиқлаётгани йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати «террорга қарши уруш»да Ғарбнинг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади.

Аммо, мутахассислар ҳукумат экстремизм ва террорчиликка қарши кураш баҳонасида ўз муҳолифларини жазолаётганини айтишади.

«Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди»

Айни пайтда Президент Каримов Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаслигини айтган.

Ўзбекистон Мустақиллиги 24 йиллиги тантанасида сўзлаган Каримов: **«Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди. Ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизни, бизнинг болаларимизни мамлакатимиз**

ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон қонуни даражасига қўтарилган бу тамойилларни, айти шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз», деб айтган.

Шунингдек, Президент Каримов узок-яқинда турли «зиддиятлар, тўқнашув ва кон тўқишлар» кучайиб бораётганига диққат қаратар экан, юзага келади қарама-қаршиликларни «зўравонлик билан эмас, тинч ва сиёсий йўл билан» ҳал қилиниши лозимлигини урғулаган.

«Халққа тинчлик ва омонлик керак»

«Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир», дея қўшимча қилган Каримов.

Шунингдек, у ўзбекистонликларни «огоҳ ва сезгир» яшашга ҳамда «тинч ва осуда ҳаёт»ни ҳимоялаш учун кураш заруратини таъкидлайди.

Қарийб 26 йилдан бери қудратда қолаётган Ислом Каримов Ўзбекистон ичкарасида «тинчлик ва барқарорлик кафолати» сифатида таърифлаб келинади.

Аммо, шарҳловчилар мамлакатдаги осойишталик ўта қаттиққўл сиёсат ва ўзгача фикрлиларни қаттиқ жазолаш ҳисобига ушлаб турилганини айтадилар.

Манба: bbc.com/uzbek



Оппоқ, юмшоқ пахтанинг қоп-қора қаттиқ сиёсати

Сўзимнинг бошини ҳақли равишда «Мухтарам Президентимиз» нинг ҳар жой — ҳар жойда кўзга ташлансада унинг энг тўғри гапи, бугунги кунда кўчаларда осиб қўйилган шиорларидан бири билан бошламоқчиман.

«БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ М Е Х Н А Т С Е В А Р ХАЛҚИМИЗДИР».

Дарҳақиқат йилларки меҳнатсевар халқимиз тўққан қора тер эвазига миллиардлаб доллар орттириб келаётган Каримов бошчилигидаги жиноий тўда, бу йилги даромадини ҳам йиғиб териш учун катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Оппоқ, момик пахта.

Хоссасига кўра жуда юмшоқ. Аммо уни етиштириш учун метиндек мустахам куч, сабр, чидам, 50 градус куёш иссиқлиги остидаги миллионлаган қора халқнинг қулларча муносабатда меҳнатга мажбурланишини 21 аср фўнида тасаввур қилиш, қабул қилиш... Билмадим бу манзарани нима деб номлаш мумкин.

21 аср таъсирими, ё бундан баттар бўлиши мумкинмас деб ўйлашимданми, шу муҳитда ўсиб улғайганим бўлсамда, улғайганим сари ички исён ортиқ бу муҳитга сабр етмасликга, тоқат қилмасликка чорлайверади.

Ичимдаги бугунги тузумни ҳар қанча оқлашга ҳаракат қилаётган куч билан бу исённи қанчалар тўхтатишга ҳаракат қилсамда, бу икки зиддиятли қарама

-қаршилиқлар ўртасида чарчаб, ҳолдан тойсамда юрагимдаги бу исён олдида мутлақ ожизман. Чунки ана шундай етиштирилган пахтанинг ўтган йилги теримида теримчи сифатида иштирок этганман.

Эрта тонгдан ПОДЁЁЁЁМ деган ёқимсиз оҳангдаги советча кичкирик остида уйғонганим, шоша пиша юз қолни ювиб, 2 кесим булка ноннинг ўртасига юпка қилиб кесиб қойилган маргарин ёғи ҳамда ним ширин қилиб қайнатилган чойни муздай темир крушкада кўлимга оларканман, мамлакатимизнинг очикдаги эркин хаёти шу бўлса ҳукумат қамоғида қандай шароит эканлигини тасаввур қила олмасдим.

Тоғни урса талқон қиладиган йигитларнинг ўзим каби темир крушкадаги чой билан шошилиб «нонушта» қиладигани сабабини ҳис қилардим. Кўп ўтмай **СТРОЙСА** деган халиги **ПОДЁЁЁЁМ** га ўхшаш совук оҳанг янграр, кунлик **НЎРМА** ни тера олмаганларни бир қадам олдинга чиқариб ёшми қарими қолганлар олдида изза қилиш эрталабдан ҳамманинг кайфиятини бузиб, бироз олдин қилган «нонуштасини» бир тийин қилиб, еганини бурнидан сиқиб олиш бу ҳолатнинг кундаликка айлангани қалбимдаги туғён ураётган исёнга ўт қалар эди.

Мункиллаган кекса киши билан бир қаторда кучга тўлган йигитни бирдай нега кам пахта тердинг деб сиқувга олишига ўзимни базўр ушлаб турар эдим. Ахир Бу хом

калла отряд бошлиғи одамларнинг физик ресурслари бир хил эмаслигини, куч-қувват ҳар кимда ҳар хил бўлишини билармикин. Раҳбар одам ҳам шунақа беўхшов, тафаккурсиз бўладими. Эрталабдан шошилинч пахта майдонида элтиб қўйган Автобус кечқурун даладан чарчаб чиққанда қани кела қолса. Хуллас мавсумни аранг яқунлаб боре дедиму ўзга юртга чиқиб кетдим.

Мен ҳозир озод бир юртда эркин хаёт кечираяпман. Лекин қани қалбимдаги исён босила қолса. Йўқ босилмади.

Чунки гувоҳи бўлганим юқоридаги манзаранинг йил сайин қаттиқ чизгилари юртда эркин хаёт қуришга бўлган истак-ҳоҳишларни ўсишига рағбат беради.

Ҳар йилги пахта теримидан кейин отряд, штаб бошлиқлари Нексия олади. Ундан юқоридагиларни поғонасига қараб тасаввур қилаверинг. Лекин пахтани не азобда етиштиргунча Ҳоким тўранинг тепкисини еган фермернинг, текин чопикка чикқани етмагандай теримга мажбурланган бюджет ходимларию талаба ёшларнинг косаси пахтадан бўшаб қолган чанок сингари бўм-бўшлигича қолаверади.

Оппоқ, юмшоқ пахтанинг қоп-қора қаттиқ сиёсати то кйгача эй қора халқ?

Қачон ибтидоий жамоа тузуми даврининг иш қуроли бўлган кетмонни 21 асрга татбиқ этиб 21 асрнинг эхтиёжини қониқтирадиган даромадни кутиш, сой бўйида олтин балиқни кутиш билан баробарлигини тушунасан. Ўзбекистон деган юртда пахта экилибдики оддий халққа рўшнолик кўрсатмаганини қачон кўрасан. Қачон бошинг узра ялтираб турган кетмонни синдириб, улоқтирасан. Қачонгача оқ олтинни олтин қўл яратади деган баландпарвоз мактовлардан қорнинг тўяди. Қачонгача Каримов деган учига чикқан фирибгар, алдоқчининг эртақларига болаларча содаллик билан лакқа тушасан.

Қачонгача бу жабру ситамларга бардош берасан.

Қачон асрий ғафлатдан уйғонасан.

Қачон?

Қачон?

Қачон?

*Пахта мавсуми олдида халққа
Муслим Туркистонли*



Ўзбекистонда мессенжерларнинг алоқа сифати яхшиланиши йўқ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг ваъдаларига қарамай, Ўзбекистонда Skype орқали видео ва овозли алоқа муаммоси 1 сентябрга келиб бартараф этилгани йўқ. Бугунги кунда ҳам ушбу хизмат орқали мулоқот қилишнинг иложи йўқ, суҳбатдошнинг овози алоқа ўрнатилганидан сўнг биринчи сонияларда эшитилипти холос, шундан сўнг видеотасвир қотиб қоляпти ва овоз бутунлай йўқолиб кетмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда Skype воситасида алоқа муаммолари жорий йилнинг 29 июль кuni бошланган. Ўша кундан бошлаб фақат ёзма хабарларни узатиш мумкин бўляпти. Ўша кунларда “Ўзбектелеком” сайтида акциядорлик компаниясининг шериклари тармоғида профилактика ишлари ўтказилаётгани муносабати билан 2015 йил 29 июлдан 8 августгача интернет хизмати кўрсатиш сифати ёмонлашуви мумкинлиги тўғрисидаги эълон пайдо бўлганди. Кейинроқ ўша сайтда пайдо бўлган эълонда профилактика ишлари 31 августгача чўзилади, деган ёзув пайдо бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида Viber, Telegram ва WhatsApp каби мессенжерларнинг алоқа сифати ҳам тушиб кетди.

Ўзбекистондаги манбаларнинг маълум қилишича, профилактика ишларини ўтказишдан мақсад — Ўзбекистонлик провайдерлар тақдим этаётган каналларга мамлакатда интернет цензураининг кучайишига олиб келувчи дастурларни ўрнатишдир.

ЎХХ хабарлар бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қирғизистондаги таниқли журналист ва теолог Миқтибек Арстанбек Қорасув туман судида имом Рашод Камоловга нисбатан ўтаётган маҳкамада Камолов маърузаларини кўргани ва унда Қирғизистон қонунчилигига зид келувчи сўзлар топмагани ҳақида кўрсатма берган.

Қорасув туман судида 2 сентябрь кuni имом Рашод Камоловга нисбатан навбатдаги маҳкамада адвокатлар томонидан таклиф қилинган бишкеклик таниқли журналист ва теолог Миқтибек Арстанбек иштирок этди.

У Камоловга айблов қўйилишига сабаб бўлган имоммаърузаларини кўриб чиқанини ва унда мамлакат қонунларига зид бўлган сўзлар топмаганини айтди.

- Рашод Камоловнинг халифалик



Қирғизистондаги таниқли журналист ва теолог имом Рашод Камоловга нисбатан ўтаётган маҳкамада кўрсатма берди

тўғрисида айтган сўзлари билан сиёсий ижтиҳод эгаларининг ва замона олимларининг фикрлари ҳамда политология илми асосидаги тушунтиришлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шу сабабли мен Рашод қори халифалик сўзининг диний талқинини тушунтирган, деб биламан. Мен Рашод қорининг видеосини судгача кўриб чиқиб, “яхши тушунтирибди”, деб хурсанд бўлгандим. Рашод қори маърузаси билан давлат тузимини ағдаришга ҳаракат ўртасида қандай узвийлик борлигини тушунолмадим, — деди Миқтибек Арстанбек.

Камоловнинг адвокати Назгул Суюнбаева журналистдан “сиёсатшунос сифатида айта оласизми, Камоловнинг судланиши қандай оқибатларни келтириб чиқаради?” деб сўради.

— Бугунги Қирғизистонга сиёсий жиҳатдан таъсир ўтказётган яқин ва олис хориж давлатлари бор. Менимча, яқинимизда жойлашган давлатларнинг бирига Қирғизистондаги диний эркинлик, мусулмонларга берилган имконият ёқмагани учун Камоловга қарши маҳкама махсус тайёрланган лойиҳа бўлса керак. Бу бизнинг давлатимиздан чиққан фикр эмас. Мен давлатимиз имомларга бундай муносабатда бўлмаслигига ишонаман, — деди Миқтибек Арстанбек.

У, шунингдек, Рашод Камолов қамалган тақдирда Қирғизистон диний платформасида норози қатлам пайдо бўлиши хавфи бор эканини айтди. Қолаверса, у ўзбеклар орасида обрўга эга бўлган Камоловни Қирғизистон дипломатик восита сифатида фойдаланиши

керак, деб ҳисоблайди.

— Узбек миллатидаги халқлар, фақат Қирғизистон эмас, Марказий Осиёдаги ўзбеклар орасида обрўга эга бўлган бундай йигитни давлат дипломатик восита сифатида қўлланиши мумкин эди. Шунингдек, Ўзбекистон билан муносабатларда ва бошқа ўзбек халқи орасидаги дипломатик муносабатларда бу каби кишиларни энг катта восита сифатида қўлланиш мумкин эди. Бу масала Қорасув судига қўйилган жуда оғир масъулиятдир. Шу сабабли суд қарорини келажакда мамлакат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг эшиги деб ҳисоблайман, — дейди Миқтибек Арстанбек.

Таниқли имом, этник ўзбек 37 ёшли Рашод Камолов шу йилнинг 9 февраль кuni “экстремизмга даъват қилганлик”, “халифалик тузишга ҳаракат қилганлик”да айбланиб, ҳибсга олинган.

Унга нисбатан суд жараёни 23 июлда бошланган. Қарийб ярим йилдан бери ҳибсда сақланаётган қорасувлик имом Рашод Камоловга нисбатан август ойининг сўнги ва сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида ҳар кuni давом этмоқда.

Давлат қораловчиси 2 сентябрь кuni бўлиб ўтган маҳкамада суд мажлисини бундан буён ҳибсхонада ўтказишни илтимос қилди.

Унга кўра, суд бўлиб ўтаётган пайтда диндорларнинг очикдан-очик норозилик билдираётгани ва бақириб-чақираётгани судга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бироқ суд раиси қораловчининг таклифини инobatга олмай, судда иштирок этаётганларни тартибни сақлашга чақириб билан чекланди.

ЎХХ хабарлар бўлими

1991 йилнинг март ойида, собиқ иттифоқни сақлаб қолиш учун ўтказилган умумиттифоқ референдумида, 98..% фойз овоз билан мисли қўрилмаган тарихий ғалабага эришган Ўзбекистон ва унинг тенгсиз раҳбари И.А. Каримов учун, орадан олти ой ҳам ўтмасидан, нега энди мустақиллик бунчалар долзарб ҳаётий вазифага айланди?...

Қўрқмасданми ёки қўрққанидан...

Қаранки, ҳаётнинг мутлақо тесқари оқимга айланиб кетишига, И.А.Каримов иттифоқдан юз ўгиришига ва ўзбек халқининг асарлар орзуси бўлган мустақиллигига эришишига “гўёки” камарбаста бўлиб, мустақилликни эълон қилиб қолишлигига, аслида 1991 йил август ойидаги ГКЧП сабабчи бўлди, тўғрироғи яна ҳам такрорлаш бўлсада, жаноб И.А.Каримов учун ҳамма нарсаданда муқаддас ва муҳимроқ бўлган ўз вазифасини ва азиз жонини омон сақлаб қолиш учун бўлган мажбурий фавқулодда ўзи хохламаган қарорга келишга мажбур бўлганлиги бўлди.

1991 йилни хотирлай оладиган барча Ўзбекистонликлар аниқ эслай оладилар, (агар қўрқув исқанжаси ёки ўзга манфаатдорлик туйғулари хотираларини ўчириб юбормаган бўлса, майли бу ҳақда овоз чиқара олмасалар ёки хохламасаларда), ўшанда ГКЧП Москвада давлат тўнтариши қилганидан кейин, Қандистон расмий ташрифини ташлаб Тошкентга қайтган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Олий президиумининг депутатлари ва Ўзбекистон ҳукумати аъзоларини фавқулодда йиғган эди.

Уша тезкор мажлисда бир ўт юрак ёш депутат минбарга чиқиб И.Каримовдан, — “Ўзбекистон, ГКЧПни тан оладими, унинг қарорларини бажарадими — йўқми” шу ҳақда тезкор жавоб талаб этган эди.

И.А.Каримов, ҳақиқатни сўраган ёш депутатни, гўёки сиёсатни тушунмасликда узоқни кўра билмасликда – калтафаҳмлиқда айблаб кўйиб берган ва саволга яна ҳам ўзларининг узоқни ўз фойдаси учун кўра билиш “ноёб” қобилиёти ва “ақлли” сиёсати билан, — “ГКЧП”нинг қарорлари бизнинг қонунларга мос бўлса қабул қиламиз – дея аниқ жавоб беришдан қочган эди.

Аммо, амалда бутун Ўзбекистон бўйича ўша кунлари ГКЧП қарорлари тўлиқ қабул қилинган ва ижро этилган эди.

Тез кунда, ГКЧП, давлат тўнтаришини ташкил қилган

жинойт гуруҳ дея эътироф этилади ва Москвага барча суверен республикалар раҳбарлари чақирилади ва ГКЧП аъзолари ва уларга ҳайрихоҳ бўлган республика раҳбарлари вазифаларидан озод этилиб жавобгарликка тортиладилар.

ГКЧП кунларида Ўзбекистонда унинг қарорларини тўлиқ қабул қилиб ижрога қаратган Ислом

Каримов англаб етадиларки, Москвага бориш нафақат вазифадан кетишни англатади, унданда баттарроғи жавобгарликка тортилишини тушуниб етганлиги туфайли, М.С.Горбачев таъкидлаганларидек, яна ҳам узоқни ўз фойдаси учун кўра билиш “ноёб” қобилиёти ва “ақлли” сиёсатини ишга соладилар ва беш ойу 13 кун муқаддам ўзлари қатъий қарши бўлган “мустақиллик” жонига аро киришлиги мумкинлигини тушуниб қоладилар.

Мана шунинг учун ҳам жаноб И.А.Каримов учун ҳамма нарсаданда муқаддас ва муҳимроқ бўлган ўз вазифасини ва азиз жонини омон сақлаб қолиш учун бўлган мажбурий фавқулодда ўзи хохламаган қарорга келишга мажбур бўлиб, Москвага бориш ўрнига — “31 август кунини Ўзбекистоннинг мустақиллиги кунини” – дея эълон қилиш орқали нафақат Ўзбекистон учун тарихий мутақиллик кунини, аслида ҳамма нарсаданда муқаддас бўлган ўз жонини сақлаб қоладилар, бизнинг Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов.

Ушбу сатрлардаги таҳлилимиз, ҳеч кимга тухмат тоши отиш ёким ёзғирин эмас, балким оддий ҳаётий ҳақиқатдир, гарчанд бугунги кунда Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган инсонлар ўз фикрини очик-ойдин айта олмаслар, ўз эркини ва ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун асосида ҳимоя қила билмаслар, аммо хар нарсанинг ҳам чек-чегараси бўлади, зулм ва адолатсизликнинг ҳам чегараси бўлмоқлиги тайиндир. Аслида, ҳақсизлик ва адолатсизликнинг умри жуда қисқа бўлади, аммо у адолатсизлик ва ҳақсизлик бўлганлиги учун ҳам, унинг хар сониясининг ўтиши жуда оғир ва оғриқли бўлади, гўёки йилларга татийди.

Аммо, адолатга етишмоқлик осон эмасдур, зеро:

Буюк ишлар ҳеч қачон,

Битган эмас жўн осон.

Ютуқларнинг ҳаммаси,

Ақл, меҳнат-заҳмат меваси.

УХХ таҳририятига келган хат

Ўзбекистон россиялик антрополог олимни мамлакатга киритмади

Номи дунёга танилган россиялик олим, антрополог, Санкт-Петербургдаги Европа университети профессори Сергей Абашин Ўзбекистонда депортация қилинди. Бу ҳақда Сергей Николаевич Фейсбукдаги шахсий саҳифасида маълум қилди.

Бу ҳодиса 29 август куни содир бўлди. Сергей Абашин Москвадан Тошкент аэропортига саёхатчи сифатида учиб келди. Чегара назоратидан ўтаётганда Сергей Абашинга “Киришига рухсат берилмаслик тўғрисида далолатнома” тақдим этилди. Хужжатга кўра, “унинг кириши тақиқлангани боис мамлакатга киришга рухсат берилмагани” маълум бўлди.

Тошкентлик чегарачилар москвалик меҳмон билан жуда хушмуомала муносабатда бўлдилар. Бир неча соат ўтиб Сергей Абашин Тошкентни тарк этиб Москвага учиб кетди.

Тарих фанлари доктори Сергей Абашин Ўзбекистонда ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа постсовет республикаларида кўп марта бўлган, у ерларда чуқур дала тадқиқотларини ўтказган, архивларни титқилаб кўп вақтини сарфлаган. У Ўрта Осиё минтақасига бағишланган кўплаб илмий асарларнинг муаллифи. Сергей Абашин олиб борган тадқиқотларнинг аксарияти муҳожирлик, миллатнинг тикланишига, этник ўзига хосликка, Исломга, империялар тақдирига, мустамлакаликдан сўнг кечаётган жараёнларга ва кўплаб бошқа соҳаларга тааллуқли.

Сергей Абашин – “Ўрта Осиёда миллатчиликлар: ўхшашликларни излаб” (“Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичности” 2007) , “Совет қишлоғи: Мустамлакачилик ва замонавийлашув ўртасида” (“Советский кишлок: Между колониализмом и модернизацией» (2015 г.)”) китобларининг муаллифи.

Айни пайтда Сергей Николаевич ушбу масала бўйича шарҳ бермаяпти. “Ҳозирча содир бўлган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

ишларга баҳо беришдан тийилиб турибман, фақат мамлакатга қўйишмагани айта оламан, холос. Менга сабабини тушунтириб беришмади ва бу ишларнинг сабаблари менга номаълум”, — деди у “Фаргона” агентлигига.

Сергей Абашин Фейсбукдаги ўзининг саҳифасида қуйидагиларни ёзган:

“Антропологнинг академик позицияси жуда заиф, хусусан, мен билан содир бўлган ушбу ҳодиса ва бошқа ҳодисалар буни тасдиқламоқда.

Биринчидан, антрополог ёлғизлиги боис заиф. Этнографлар катта экспедицияларни амалга оширганлари билан, антрополог ёлғиз ишлайдиган олим, бу ҳолат антропологиянинг тарихи, фанни ўзлаштириш хусусиятлари ҳамда гуманитар фанлар орасида тутган маргинал институционал ҳолати билан боғлиқ. Антрополог одатда бошқа ҳудудларга ва бошқа мамлакатларга ёлғиз ўзи сафар қилади, кўп ҳолларда у ўз кучига таяниши керак ва бу ҳолат кўплаб таҳдид ва таҳликаларни ўз таркибига олади.

Иккинчидан, антропологи ўз майдони спецификаси боис ҳам заиф. Кўп ҳолларда уларни “жосус” (“шпион”) деб атайдилар ва бу бежиз эмас. Чунки антрополог

ўзининг касбий хусусиятига кўра жамиятнинг ёпик ҳамда тадқиқот учун жуда ноқулай саналган соҳалари ва табақаларига кириб боришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам антропологларга қизиқиш билан қарайдилар, уларни қандайдир махфий сирларни билиб олишга уринаётган “алоҳида хусусиятли билим” эгалари сифатида кўрадилар.

Учинчидан, антрополог ўзининг расмийларга нисбатан дудмол муносабати боис ҳам заиф саналади. Одатда, антропологлар расмийлар билан ҳамкорлик қилдилар, дея ҳисоблашади, бунга мисолларни келтириш қийин эмас. Бироқ менинг тасавуричма, антропологларнинг аксарияти ўзларини расмийлардан узокроқ олиб юришга ҳаракат қилдилар. Бунинг сабабларидан бири юқорида сўзга олинган ҳолатлар боис, яъни ёлғизлик, маргиналлик ва тадқиқот майдонининг ўзига хос спецификаси билан изоҳланади. Бундан ташқари, антропологнинг расмийларга таклиф этадиган ҳеч вақоси йўқ — унинг тадқиқотлари, тафаккур маҳсули, одатда жуда субъектив бўлиб, локал маълумотларга таянади ва уларни сиёсатда қандайдир восита сифатида қўлланнинг иложи йўқ (ҳолбуки бунга уринишлар вақти-вақти билан амалга оширилиб турилади). Шунингдек,

антропология оид иборалар кўп ҳолларда мавжуд стереотипларни ва юзага келган аҳволнинг танқиди билан тўлиб кетгани боис, расмийлар билан оралиқ масофа кенгайиб бораверади.

Мазкур камчилик ва заифликларнинг бари қўшилиб-қўшилиб, кўп ҳолларда умумий самарага олиб келади”.

Эслатиб ўтаман, аввал Ўзбекистон россиялик ҳуқуқ ҳимоячи Николай Митрохинни (2003 йил), халқаро журналист Игорь Ротарни (2005 йил), ВВС мухбири Наталья Антелавани (2012 йил), россиялик журналист Виктория Ивлевани (2012 йил), москвалик фотосуратчи Константин Саломатинни (2014 йил) депортация қилганди.

Бу одамлар депортация сабаблари тўғрисида Ўзбекистон расмийларидан бирор-бир жўяли изоҳ ололмадилар. 2003 йилда Митрохиннинг депортация қилиниши билан боғлиқ ҳодисани шарҳлай туриб Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигидаги манба “Ўзбекистон бошқа ҳар қандай мамлакат каби ўзига номақбул шахсларни мамлакатга киритмасликка ҳақли. Бунақа ҳолатларда рад этилиш сабабини тушунтириш амалиёти қўлланмаслиги ҳам ҳаммага маълум”, — дея таъкидлаб ўтганди.

Манба: “Фаргона” АА

Бу икки тушунча фалсафанинг биринчи категорияси ҳисобланади.

Қилаётган ишимиз, гапираётган гапимиз замонида ва маконига мос келса, биз кутган натижани беради. Агарда замонида ёда маконига, бўлмаса ҳар иккисига ҳам мос келмаса биз кутган натижа бермайди.

Бугун Ўзбекистон деган мамлакат замонида ва маконига мос равишда дунё танқидларига рўбарў келмоқда. Мамлакатдаги ижтимоий — иқтисодий, сиёсий — ҳуқуқий ва маданий — маърифий аҳвол ўта абгорлиги узок йиллардан буён чайналаётган сақич каби бўлсада ўз таъми, сифати ва хидини йўқотмаган ҳолда дунёнинг нодавлат нотижорат, демократия ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг танқидий баҳолаш рейтингига ҳамон етакчи ўринларда хит ҳолатини сақлаб қолмоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, «Расмий Тошкент», «Ўзбекистон ҳукумати» каби тушунчалар ўз легитимлигини (расмий дунё тилидан ташқарида) йўқотди.

Максимум зулм босими остида,

Замон ва Маконга «мос»лик ҳақда

қўрқув исканжасидаги Халқнинг назарида «ҳукумат»нинг расмий тан олиними шартлидир. Яъни узрли. Модомики, расмий дунё Каримов бошчилигидаги жиноий тўдани расмий ҳукумат дея тан оларкан, дунё жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда Ўзбекистонда расмий ҳукуматнинг йўқлигини расмий дунёга расман тан олдириш ҳаракатини бошлаш лозим.

Бунда инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, демократик институтлар, фондлар, нуфузли олимлар ҳамда мавжуд тузумдан манфаат эвазига кўз юймайдиган, Каримов ҳукумати билан ҳеч қандай алоқаси йўқ давлатлар, ва ҳоказолар аудиториясининг диққатини шу масалага қаратиш керак. Ва ниҳоят Ўзбек муҳолифати ўз атрофига тарафдорларни йиғиб, Ўзбекистонда қонуний ҳокимият

йўқлиги боис «Муқобил Ҳокимият» ташкил этилганини эълон қилиши керак.

Ҳар қандай акция, ҳар қандай ҳаракатни — у натижасиз бўлсада — бошлаш керакки, кексайган Золим Каримовнинг қулоғига етиб бориб уни жунбушга келтирсин ва унинг саломатлигига, тинчлигига путур етказсин.

У «Ҳаракат муваффақиятсиз чиқди, буниси омадсиз бўлди», деган тимсоҳ кўзёшларига эътибор бермасдан ҳар бир киши ва ҳар бир гуруҳ қўлидан келган ҲАРАКАТНИ қилиши шарт. Уз халқининг тинчлигини, саломатлигини, бахту-саодатини, роҳатини ўғирлаган, халқнинг бошига зулм соясини келтирган, бугунги тузумнинг якка муаллифи Ислоҳ Каримов тинч, соғ-саломат, роҳат-фароғатда яшашга, умргузаронлик қилишга ҳаққи йўқ!

Айнан шундай ҳаракатларни амалга оширишга эркинлик берадиган макон бор экан, бу макон билан замоннинг бирлигидан эзгу мақсадларимиз йўлида фойдаланишимиз керак.

Муслим Туркистонли

Шикоят такроран: «Қонун устиворлиги муҳим аҳамиятга эга» — эмасмиди???

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. А. Каримовга*

Суд, вояга етмаган Абдурахимов Бахриддинжонни 2-69-12-сонли ж/иши бўйича, асоссиз, адолатсиз ва ғайриқонуний равишда қотилликда иштирокчи сифатида айблаган:

Айбловда: — “Р.Соатов, хайдовчи Х.Қодировни бўйнидан бўғиб, ўзида бўлган тиғининг узунлиги 7,5см ва эни 2,3см бўлган пичоқ билан, хайдовчининг елка ва бўйин қисмларига бир неча марта пичоқ санчганидан сўнг, Абдурахимов Бахриддинжон ҳам, автомашинанинг олд ўриндиғида ўтириб, ГЎЁКИ: ўзининг қўлида олиб юрган тиғининг узунлиги 17см ва эни 3,5см бўлган пичоқ билан хайдовчининг ўнг томон биқинига бир ёки икки маротоба тикиб олиб, пичокни ўзи ўтирган олд ўнг ўриндиқ полиғига қўйганлиги — хақидаги мажбурий иқроорлик кўрсатуви, гарчанд ўз тасдиғини топмаган бўлсада, СУД томонидан, вояга етмаган шахсни қотилликда айблашга асос қилиб олинган ???!!”,...

Суднинг айблови, асоссиз — адолатсиз ва ғайриқонуний эканлиги, қуйидаги инкор этиб бўлмайдиган ёзма далил ва исботлар билан ўз тасдиғини топиб турибди:

1. Мархум хайдовчи Х.Қодировнинг танасида ўтказилган 23-Мурда СТЭ.нинг ўнг ёнбош биқин томон жароҳатлари хақидаги хулосасида:

а) Ўнг ёнбош соҳасида яраси бўлиб, чеккалари бир-бирига яқинлаштирилганида узунлиги 2,4см. эканлиги ва яранинг каналига зонд билан кирилганида, яра чуқурлиги 4смга тенг эканлиги қайд этилган!

б) Кўкрак қафаси ўнг томони 6-7-қовурғалар оралиғида қўлтиқ ости олд чизиғи бўйлаб яраси бўлиб, чеккалари бир-бирига туташтирилганида узунлиги 3 см бўлган ўтувчи хусусиятли жароҳати ўнг ўпкани ўрта бўлаги пастки қиррасини кесиб яра хосил қилиб тугаган бўлиб, яранинг каналига зонд билан кирилганда яра каналининг чуқурлиги 8см. атрофида эканлиги қайд этилган;

в) Кўкрак қафаси ўнг томони қўлтиқ ости олд чизиғи бўйлаб 8-9-қовурғалар оралиғида ҳам яраси бўлиб, чеккалари бир-бирига туташтирилганда узунлиги

3см бўлган ўтувчи хусусиятли жароҳати, кўкрак қафасига кириб диафраграммани ўнг ён томонидан тешиб қорин бўшлиғига кирган ва жигарни катта бўлагини тешиб ўтиб, қорин пардаси орти қисмига бориб ўнг буйракни юқори қисми атроф ёғ тўқимасига келиб тугаган бўлиб, яранинг каналига зонд билан кирилганда, яра каналли узунлиги 8,5см. атрофида эканлиги қайд этилган; Мазкур, 23-мурда Суд Тиббиёт Экспертизаси хулосасида, мархумнинг ўнг ёнбош биқин томонидаги санчиб кириш яраларининг чеккалари бир-бирига яқинлаштирилганида узунлиги 2,4 см ва 3,0см эканлиги ва ушбу жароҳатларнинг чуқурлиги 4,0см, 8см. ва 8,5см атрофида эканлиги ўз тасдиғини топиб турганлиги ҳам, ушбу жароҳатлар, айбловда кўрсатилганидек тиғининг узунлиги 17см ва эни 3,5 см. бўлган пичоқ билан етказилмаганлигини, инкор этиб бўлмайдиган даражада яққол тасдиқлаб турибди.

Аксинча, ушбу жароҳатлар айнан Р.Соатовнинг қўлида бўлган тиғининг узунлиги 7,5 см ва эни 2,3см бўлган пичоқ зарби натижасида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар қорин юмшоқ соҳасига берилганлиги сабабли ҳам, 7,5смлик пичоқ тиғи юмшоқ қорин териларини ичкарига сикиши оқибатида, жароҳатларнинг чуқурлиги 8-8,5смгача бўлганлиги ҳам табиий хол эканлигини яққол тасдиқлаб турибди. Бу табиат қонунидир!!! Агарда, айбловда кўрсатилганидек, тиғининг узунлиги 17см ва эни 3,5см бўлган пичоқ зарби оқибатида ушбу жароҳатлар етказилган бўлганида эди, санчиб кириш яраларининг узунлиги 3,5смдан кам бўлмаслиги ва чуқурлиги ҳам 17см ёки шунга яқинроқ чуқурликкача санчилиши лозим эди, аммо 8,5смдан чуқурроқ кирмаган.

Шуни ҳам эътироф этмоқлик лозимки, ушбу жароҳатлар қорин бўшлиғининг юмшоқ тўқималарига санчилиб, ёғ тўқималарига бориб тугаган, аммо қаттиқ суякка бориб тақалмаган, яъни пичокни чуқурроқ киришига ҳеч нарса халақит қилмаган, агарда пичоқ тиғи узунроқ бўлса эди, жароҳат чуқурроқ бўлишлиги табиий эди!!!

Бу эса, жароҳатлар, узунлиги 17см. бўлган пичоқ билан

етказилмаганлигини, аксинча қотилликда айнан 7,5 см узунликдаги пичоқ иштирок этганлигини, инкорсиз яққол тасдиқлаб турибди!!! АММО, СУД, ушбу ҳақиқатга нисбатан мутлақо қонуний — процессуал муносабат билдирмаган!!!

2. Мазкур кўрсатувни суриштирув органи, 20.09.2010 йил тунги соат 03-05ларда, адвокатсиз ва қонуний вакилсиз қийноқ ва тазйик орқали сўроқ қилиб, мажбурий иқроорлик ёздиришиб, қонун нормаларини жиддий бузганлиги ҳолатига, СУД, мутлақо қонуний — процессуал муносабат билдирмаган!!!

3. Олий суд, 30.12.2011 йилда ишни назорат тартибида кўрганида; — «ўтказилган дастлабки тергов ва суд жараёнида, агарда Б.Абдурахимов ҳам Х.Қодировга пичоқ урган бўлса, қандай ҳолатда ва неча марта урганлиги аниқланмаганлиги», — учун ишни қўшимча терговга қайтарганлиги, АММО, қўшимча тергов 36-Мк СТЭси хулосасида ва тергов эксперименти баённомасида, — «тан жароҳатларидан қайси бири айнан Р.Соатов томонидан ва қайси бири Б.Абдурахимов томонидан етказилганлигини аниқлаш имконияти бўлмади» — деган хулосасига, ҳам СУД, мутлақо қонуний — процессуал муносабат билдирмаган !!!

4. Қотиллик қуролини, Нехсиянинг ўзи ўтирган олд ўнг ўриндиқ полиғига қўйганлиги хақида 20.09.2010 йилда вояга етмаган шахсга ёздирилган мажбурий иқроорлик, ўз тасдиғини топмаганлиги, аксинча 18 кундан кейин, яъни 07.10.2010 йилда, ЖПКнинг 132-133-моддаларига зид равишда, терговчи шахсан ўзи топган ва гувоҳларни сохталаштирган ҳолда сохта баённома тузганлигига — ҳам СУД, мутлақо қонуний муносабат билдирмаган!

5. 12.06.2015 йилда Президентимиз И.А.Каримов, БМТ Бош қотиби Бан Ки Мун билан учрашганларида; — «Қонун устиворлиги муҳим аҳамиятга эга эканини» — қатъий таъкидлаганликларини, ҳаётда исботи ўлароқ, қонун устиворлигини таъминлаш орқали, ҳақиқатни аниқлаб адолат ўрнатилишини илтимос қиламиз.

Қонунга иттифоқ Ўзбекистон
фуқароси **Баҳром Абдурахимов**

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Мен буни ҳамон эслайман. Оғзимни туалетда чайиб келганим ҳам хотирамдан кўтарилмайди. Ҳатто иблисининг калтакдан ўлиб кетишини истаган онларим ҳам бўлган. Ўзини жинниликка солиб, ўз ахлатини еб корейсга ҳам, ўз синглисини бўғоз қилиб қўйган ўрисга ҳам, Тангрига қарши ўз орқа, оғизларини булғаётган булганч бесқолларга ҳам, Ҳинд, Ҳабаш, Хитой каби кимсаларга номусларини сотаётган шилта ўзбек аёлларига ҳам шундай тилакда эдим. Лекин уларга раҳми келган маҳкумларни ҳам кўрганман. Аслида момо Ерни, Момо Ҳавони булғаётган бундай тўнғизларга шафқат қилмаслик керак! Худди шундай Куликовга ҳам.

Бу – Она Табиатни тозалашга олиб келади. Агар ҳозир Куликовга шафқат қилинса, лавозим берилса, у тагин эски ноғорасини чалади...

Паскашларни ўзгартириб бўлмайди. Бу борада Конфуций ҳақ. Мен унга қўшимча қиламан: “Хоинларни ҳам...” Шу ўринда Чингизхон Тузуқларидаги қуйидаги сўзни яна ҳам, тўғри деб биламан: “Соткинлар ўлдирилсин!”

‘Тоштурмада ўлимга ҳукм қилинган карейс ўзини жинниликка солиб, ҳар куни ўз ахлатини еган.

КГБ пистирмаси

Бухгалтерлар хонаси қаршисидаги эшик узун йиллардан бери очилмаган. Унинг ранги ўчиб, тўзиб кетган. Никиллари кўчган темир тутқични ҳам занг босган. Мен бундан хайрон бўлдим. Шунга ҳузуримга Ефременкони чақирдим.

— КГБ хонаси... – деди у саволимга жавобан чўчиб.

— Ўзбекистон ССР Ёзувчилари биносидан – я? – ажабландим, — янглишмаяпсанми?

— Йўқ.

— Қачондан бери?

— Қайдам, Мамадали Аҳмедович?

— Сен бош бухгалтерсан, Инесса.

— Мендан олдингилар ҳам билмаганлар.

— Мумкинмас.

— Эшитишимча, Яшин раислигидан ҳам олдинмиш.

— Ҳим... эшик михланган. Қаердан кириб чиқади?

— Орқа томондан, Деразадан.

— Ижара ҳақи тўлайдимиз? Яъни жой, свет, сув, телефонга.

— Қайда?

— Йигирма йиллигини хом чўт қил.

— Бу жуда катта пул бўлади.

— Биламан. Мен шундан келиб чиққан ҳолда КГБ бошлиғига хат йўллайман.

— Ўт билан ўйнашиб нима қиласиз, Мамадали Аҳмедович?

— Қонунни бузишяпти, Инесса, демак, жавоб беришади.

— Бошингизга ғалва орттирманг, дейман – да.

**Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-13**

— Менинг ғамимни ема.

— Тезсиз, Мамадали Аҳмедович. Бунга Одил Ёқубов ҳам журъат этмаган эди.

— Мен бошқаман, Инесса. Топширикни бажар.

— Бир соат ичида.

— Яхши, Инесса Николаевна.

Мен хатни (атайлаб) Ефременко кўли билан Ўзбекистон ССР КГБ сига топширтдим. Бир кундан сўнг тушга яқин уюшмага уч киши келди. Фуқаро кийимида. Мени йўқлаб. Сўрашдик. Менинг юрагимда кўркув, ғулу йўқ эди.

“Кўноқлар” ўзларини таништирдилар. Бири генерал, иккиси полковник. Фақат генералнинг исми эсимда қолган: Цюри. Агар адашмаётган бўлсам.

— Вы тот Маҳмудов? – дея кулимсираб сўради Цюри.

— Ҳа

— Понятно... Тот комната нам нужен.

— Бизга ҳам. Жой етишмайди.

— Сизгача етган – ку.

— Кўздан кечирсангиз биласиз, бир хонада тўрт – беш киши ўтирибди. Таржима маркази ҳам очмоқчимиз.

— Одил Ёқубов қаршимас. Березеков билан Вологин ҳам биз тарафда. Ёлғиз сиз...

— Одил Ёқубни тушунаман... Полковник Березеков қонун бузар. Ишга бир кун чиқса, уч кун чиқмайди. Полковник Вологин ҳам шундай. – Мен генералга маъноли боқдим. У тагин сирли кулди. Мен гапимда давом этдим:

— Ўрта Осие республикалари Ёзувчилари уюшмаларининг биронтасида “Махсус қисм” (“ спец част”) деган нарса йўқ. Давлат унга бекорга ойлик тўлаяпти.

— Яхшиям Сизнинг чунтагингиздан эмас.

— Демак, сиз уни ёқлаясиз.

— Ўзингизга таалуқли бўлмаган

ва ўзингиз тушунолмайдиган нарсаларга аралашаяпсиз, — луқма ташлади ўрис тилида ўзбек башара полковник.

— Сизнингча шундай.

— Ақилли кўринасиз, — ўрис полковник менга совуқ тикилди.

— Уюшмада “Махсус қисм” ... Кулгили... У ёзувчиларга нима қаромат кўрсатади? Унинг уюшмага боғлиқ ери борми?

— Билмайсизми? – Ичимдагини билиб оладигандай менга синчков бокди генерал.

— Ўз оти билан “ Махсус қисм “... Бунинг устига полковник бошлиқ... – Атайлаб гапимни охирига етказмадим.

— Давом этинг.

— Бу нимани англатади?.. Оғиз пойлашдан бошқа...

Генерал гўё буни эшитмади. Бироқ унинг илонсимон кўзи совуқ йилтираб сўнди. Мен буни сезмаганга олдим. У мени саволга тутди:

— Балки, “ Чет эл “ бўлимини ҳам шундай, деб ўйларсиз?

— Жуда сезгирсиз, ўртоқ генерал.

— Бундай тақдирда ажнабий ёзувчиларни ким кутиб олади?

— Раис, ўринбосарлар, консултантлар...

— Давлат хавфсизлиги учун уларга махсус кишилар лозим.

— Энди очилдингиз.

— Энди мақсадга кўчайлик, Маҳмудов? Хона учун бизни бошқа безовта қилманг.

— Қонунни ҳурмат қиласизми?

— Мен билан ўйнашяпсизми?

— Мен бундай фикрдан узоқман, ўртоқ генерал. Фақат қонун билан иш тутсақ дейман...

— Мени очикча гапиришга мажбур қилаяпсиз. Уюшмангиз қаршисида “Ўзбекистон “

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мехмонхонаси жойлашган. Гиж- гиж ажнабийлар... Кўз – қулоқ бўлмасангиз қийин. Биз давлатимизни ёмон кўзлардан , аниқроғи ёмон ниятлардан асраймиз.

Мен КГБ генералининг мунчалик очилишини ҳеч кутмагандим. Қизиқ. У жўртага очилаяптими? Ёки чинданми? Лекин , барибир бир нимани яшираяпти. Яъни

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-13

ёзувчиларни ҳам кузатишларини , эшитишларини...

— Энди, бизни тушунгандирсиз, ўртоқ Маҳмудов ?- Генерал ўйимни ҳайдади.

— Тушундим, ўртоқ генерал. Бироқ айрим шоирлар тили билан юради...

— Биламиз... Арқон узун ташланган... Шундай қилмаса бўлмайди. Бу — Ўзбекистон. Яъни бу собиқ Туркистон юраги. Унда бежиз уч хонлик ҳукм сурмаган . Шу боис бу уюшмага спец часть ҳам керак , инотдел ҳам . Қозоқ , туркман , киргиз , тожикларга бунга ҳожат йўқ.

— Сўзингизга озгина тузатиш киритсам майлими?

— Биз очик гапни ёқтираемиз , — генерал менга қизиқиш билан қаради. Полковниклар ҳам.

— Сўзингизни янада улуғвор тус олишини истайман.

— Эшитаемиз.

— Ер юзининг учдан бир кисмини ўз ичига олган буюк салтанатга бошкент бўлган бу тупрок. Эрон , араб , Ҳинд каби мамлакатлар ҳам унга қараган.

“Россия ҳам “ демоқчи бўлдим. Лекин қандайдир номаълум куч таъсирида тилимни тийдим.

— Темур империясини кўзда тутаяпсизми?

— Ҳа.

— Энди , бу кечмиш , узоқ кечмиш. Тан олиб айтсам , сиз билан гаплашиш мароқли. Аммо , афсус , вақтимиз чекланган. Шу учун мақсадга қўчайлик.

— Қонунга ҳаммамиз бўйсунамиз.

— Шунча гапдан кейин ҳам бизни тушунмапсиз. Майли , ўртоқ Маҳмудов , сиз билан бошқа ерда гаплашамиз... Алоҳида...

— Розиман... Фақат , аввал хатимга расмий жавоб олсам дейман.

Яна, ўртоқ генерал , сизнинг рухсатингиз билан Кремлга , СССР КГБ ёзаман. Ҳозирги гапларимизни ҳам қўшиб...

Тунда КГБ хонани бўшатиб кетибди. Мен уни бошдан – оёқ таъмир – эттирдим. Сўнг унга кўчиб ўтдим.

Бироқ КГБ узун йиллик ижара ҳақини тўламади. Мен ҳам ортик сўрамадим. Чунки ўртада шартнома йўқ эди.

Ётга сўзингни берма

Оғочнинг бўшини қурт ейди.

Турк сўзи

Кундуз соат тўққиз дақиқа кам бирда хонага дугларини ёвига отмоқчи бўлган жайрадай хурпайиб Березеков кирди. Кўзлари косаларидан чиқароқ менга ўшқирди:

Бу кабинетга кўчиб ўтишга сенга ким рухсат берди?!

Бу гап менга сўкишдан ҳам , уришдан ҳам қаттиқ таъсир этди. Шунга мен ҳам ўзимни тутолмадим. Уни қуйидаги сўзлар билан ўйиб олдим:

— Евгений Ефимович , ўпкангни бос. Ахир сен чёрт эмассан , полковниксан, жиноий ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлагансан. Горком , обком секретари бўлиб ишлагансан. Лекин , афсус , оддий этикани билмайсан. Яъни муомала этикасини. Олдин сўраш. Кейин бўқирмасдан гапингни айт.

У мендан буни кутмаган эди, аланга олмаётган хўл ўтиндай тутади:

— Сен кимсан ўзи менга ақл ўргатиб? Бор – йўғи бир барансан! Тушингдингни, барансан!! – Березековнинг тупик зарралари юзимга сачради. Мен ғазабнок бир алфозда қалқдим:

Бўқирма! Сен бу ерда хўжайинмассан! Умуман , мен учун ҳеч киммассан! Бир семиз , сассиқ чўчқасан!!

– Нима дединг , ишак ?! Березеков менинг ёқамдан олди.

Қулоғинг карми , тўнғиз?! – Мен унинг кекирдагига чанг солдим. Березековнинг шовинистик руҳи билани суғорилган семиз башараси қондай қизарди. Қўллари шалвираб қолди. Мен уни бўш қўйдим.

Бу қилмишинг учун ҳали жавоб берасан!

Сен суянган тоғлар қулаган... Сен ўйлаган тераклар кесилган...

Ўзингга қийин бўлади!..

Ўн дақиқа ўтар – ўтмас мени Одил Ёқуб чақирди. Чикдим. Березеков унга “йиғлаётган” экан. Мен бундан севиндим. Чунки кучсиз кимса бировга арз қилади.

Қовуриб юбормаяпсанми , Мамадали? – Одил Ёқуб хўмрайиб менга бошдан – оёқ разм солди. Гўё мени биринчи кўраётгандек.

Қовурмасам “пишади”ми?

Менимча , чегарадан чиқаяпсан. Шу бир хона учун мени ҳам ноқулай аҳволга қўяяпсан...

Қонунан ҳақман, Одил оға. Шу сабабли КГБ аш қол – дошқолларини йиғиштириб кетди.

Оқибати ёмон бўлиши мумкин...

Йигирма йиллик ижара ҳақини тўлаттирмаганимга ҳамда хонани таъмир эттирмаганимга шукур қилсин.

Ўз гапингдан қолмайсан.

Қонунга риоя этган ҳолда...

Евгений Ефимович билан нимага гижиллашиб қолдинг?

Мен атайлаб воқеани ўрис тилида баён этдим.

Одил Ёқуб Березековга “Ўзингдан ўтибди” деган маънода боқаркан , ундан сўради

Тўғрими?

У раисга жавоб беришдан олдин менга ер сузиб қаради.

Афтидан менинг важоҳатим кўркинчли эди. Шунгами , тухматдан ўзини тийди. Мен унга босим қилдим:

Эркак бўлсанг чин сўзла!

Фақат “Сассиқ чўчқа “ деганини ҳазм қилолмайман.

Фаҳмимча, Одил Ёқуб Березековнинг дами кесилганини туйди. Шу туфайли ушбу гапни унинг юзига солишга ўзида журъат топди:

Сен менга айрича сўзлабсан – да , Евгений Ефимович. Хона масаласига

келсак , у менинг олдимдан ўтган.

Березековнинг яҳудийча башарасига қон тепди. Ва:

Мен тўғри маънода сўрагандим, – дея ўзини оқлашга уринди.

Қип – қизил ёлғончи э...

Мамадали, бизни ёлғиз қолдир!

– Одил Ёқуб гапимни кесди...

Уюшмада тартиб – интизом ўрнатиш учун ишга бир чиқиб , бир чиқмаётган ёхуд шунчаки келиб , кетаётган касларга мураса қилмадим. Одил Ёқубнинг “Секин – секинлик билан...” деган “сиёсати”га ҳам баъзан, амал этмадим.

(Давоми келгуси сонда)

Россия ва Қозоғистонда ишлаётган ўзбеклар қайтишса, нима бўлади деган савол ижтимоий тармоқларда қизгин баҳс уйғотди.

Биринчи изоҳни ёзган Азимжон Ашуровнинг фикрича, бариси бўҳтон, ватанда жуда иш кўп, ҳеч ким ўлмаяпти ва у жуда намунали яшамокда.

«Нима ўлса ҳисобми, 4-5 миллион инсон қайтса, нима иш қилади?» — деб унга жавобан савол қўяди Наргис Наргис тахаллусли ўқувчи.

«Ҳар бир янги иш ўрни яратиш учун камида 25-30 миллион сўм керак. Бормикан шу микдордаги маблағ?» — қатор саволларни ўртага қўяди Алишер Абдулжаббаров — «Агар қайтиб келаётган ҳамюртларимиз ўзига ўзи иш ўрни ярата олса, нур устига аъло нур. Агар ярата олишмасачи, бозор уларнинг маҳсулотига тўйинган бўлсачи?»

Унга кўра, барибир, камида яна 1.5 миллион одам иш тополмайди.

«Инқироздан олдин ҳар бир «дангаса» Ўзбекистонга ўртача 1.5 минг доллар жўнатиб турарди, энди-чи?» — дея у Президент Каримовнинг ўзбек мухожирларини «дангаса» деганига шама қилади.

Ношукур ё чорасиз?

Ҳабиб Аскот тахаллусли ўқувчининг ўйлашича, ҳаммаси баландпарвоз гаплар ва оилани боқа оладиган ва коммунал харажатларни тўлашга етадиган ишни топиш амримаҳол.

Азамат Гулмирзаевнинг фикрича, одамлар ўзлари хунар ўрганишса, завод-фабрикалар кўпайса ва тадбиркорларнинг «қонини ичиш»га чек қўйишса, Ўзбекистон ўзига тўқ мамлакат бўлади.

Аммо Акбар Проф лақабли фойдаланувчининг таъкидлашича, ватан олдинги ватан эмас ва чаласаводлар кўпайган.

«Ўзбекистонлик талаба билан Россия ёки Америка талабасини солиштириб кўрганлар борми?» — савол қўяди у.

«Ишсиз кўпайса, ўғри-қаллоб ва юлғичлар ҳам кўпаяди, бундақалар ҳозир ҳам оз эмас» — қайд этади Али Хан.

«Хукуматдаги қўлидан иш келмайдиган лўттибозлар эса бу муаммоларни бўяб кўрсатишдан нарига ўтишмаяпти» — деб фикрини хулосалайди ўқувчимиз.

«Чорасиз қолган армия ватанига қайтади ва чорасизликни кўриб



Россия ва Қозоғистонда ишлаётган ўзбеклар қайтишса...

яна ватанига қайтиб кетади. Мухожиротдагилар қорни тўқлигидан, кўнгли тинчлигидан юришганида эди, икки ҳафтада ортга қайтган бўлардилар» — деган фикрни билдирган Насир Муҳаммад исмли ўқувчи.

Аммо Рустам Ризаев номли фойдаланувчи уни ношукур, деб дағдаға қилгач, Насир Муҳаммад совукда юрган қора кўзларга ичи ачиганидан ёзганини, ахир улар ҳам инсон эканлигини таъкидлайди.

Баъзилар эса миллионлаб ўзбекнинг четларда ишлаб юрганига ишончсизлик билдиришган.

«Самарқанд вилоятига бориб кўринг, қанча одам чет элга чиқиб кетган» — деб жавоб беради Музаффар Ҳамидов — «Бизнеслар монополия бўлса, деҳқонлар истаган экинини эколмаса, эккан ҳосилини истаган нарҳида сотолмаса, нима ҳақида гапириш мумкин?».

Жамшид Бек исмли ўқувчимиз эса, агар ватанда шароит бўлса, ҳеч ким четга кетмаслигини урғулайди.

Четга кетганларни айримлар ношукурлар ва ватангадолар, дея аташаркан, ушбу ўқувчимиз, хорижга бориб ишлашнинг айби йўқлиги, айти тажриба бошқа кўплаб халқларда ҳам олдиндан бўлганини эслатади.

Тоҳир Абдуллаев эса четда ишлаётганлар, ичкарида қолганлардан кам ватанпарвар эмаслигини билдиради.

Норозилик хавотирлари

«Миллионлаб оилаларнинг қора қозони қайнамай, норозилик

кучаяди ва маҳаллий исёнлар рўй бериши мумкин» — дейди Шукуржон Исломов — «Аммо яхши жиҳати: Россия бизга таъсир қиладиган кучли воситасидан ажралади».

Умуман, бунга ўхшаш хавотирни жуда кўпчилик изҳор этган. Шунингдек, одамларда ватанда барча учун иш топилишига ишонч ўта пастлиги ҳам сезилади.

«Деярли барча қисмини қишлоқ ёшлари ташкил этган мухожирлар армияси ватанга қайтса, улар энди деҳқонлар синфига бутунлай ёт бўлиб, пролетар ишчи синфи сафини кенгайтиришади» — деб фикрлайди Абдусалом Эргашев — «Ўзбекистондаги собиқ компартия ворислари бўлган сиёсий партиялар даҳолари иддаоларига кўра, бу синф мамлакатда инқилоб қилишнинг асосий омилига айланади».

«Чет элда ишлаб юрган одамлар қайтиб келса, бизда тўполонлар бошланиши мумкин» — хавотир изҳор этади Музаффар Ҳамидов — «Чунки уларнинг иш топиши осон эмас, бола-чақани боқиш керак».

«Бир нарсани тушунайлик, Ўзбекистон — минтақада энг кўп аҳолиси бўлган давлат» — фикрини хулосалайди ўқувчимиз.

«Шунча халқни иш билан таъминлаш сафсата гап, юқоридан буйруқ берган тақдирда бунинг уддасидан чиқиб бўлмади» — ёзади Ядгар Ходжаниязов.

«Фақат оғзига кучи етмайдиган троллар ва ҳақиқатни умуман билмайдиган лўттибозлар иш борлигини таъкидлаши мумкин».

Манба: bbc.com/uzbek

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Обид қори Назаровга ўқ узганликда гумонланаётган Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковский Европа Иттифоқига виза олиши учун Тошкентнинг «Пахтакор» командаси бош директори расмий илтимоснома



Ботир Раҳимовэгаллаган. Ўша пайтда Раҳимов Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳибсга олингани хабар қилинган эди. Орадан кўп ўтмай озод этилгани иддао қилинган тадбиркорнинг ҳозирда қаерда экани номаълум қолмоқда.

Швед терговчиси суиқасд ортида Тошкент ҳукумати туришини судда исботлаш ниятида

ёзиб берган. Суиқасдни тергов қилаётган Швеция прокурори Кристер Петерсоннинг Озодликка айтишича, Рустам Кўпайсинов исмли шахс имзоси билан ёзилган сўровномада Жуковский Эстониядаги футбол клубларидан бирига тажриба алмашиш учун бориш ниятида бўлгани ёзилган. 2012 йил февралда ўзбекистонлик имомга ўқ узганликда гумонланаётган Жуковский ўтган ҳафта Россиядан Швецияга экстрадиция қилинди. Юрий Жуковскийни пайшанба куни сўроқ қилган Швеция прокуратураси терговчиси Кристер Петерсоннинг Озодликка айтишича, гумонланувчи тергов билан ҳамкорлик қила бошлаган. 4 сентябрь куни Озодлик билан суҳбатда Швед прокурори гумонланувчига Европа Иттифоқи визасини берилиши илтимоси билан Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби бош директори Рустам Кўпайсинов исмли шахс номидан расмий сўровнома ёзилган, дея билдирди.

-Жаноб Жуковский Ўзбекистон фуқароси бўлгани боис Европа Иттифоқига келиш учун виза олиши керак бўлган. Биз унинг 2011 йил куз ойларида икки марта ЕИ визасига ариза топширганини аниқлашга муваффақ бўлдик. Аризаларда у «Пахтакор» футбол клуби маъмури лавозимида ишлашини билдирган. Қўлимизда виза тақдим этилиши илтимос қилинган хатлар бор. Бу хатларга «Пахтакор» командасининг бош директори Рустам Кўпайсинов имзо кўйган. Бу хатда у (Рустам Кўпайсинов-тахр.) Жуковский «Пахтакор» футбол клубида маъмур бўлиб ишлаши ва Европа Иттифоқига сафардан мақсади у ердаги футбол клубларидан бирига бориш, деб ёзган.

Швед прокурорининг айтишича, Жуковский «Пахтакор» клубида ишлаганини тасдиқлаб беришни сўраб, Ўзбекистон расмийларига

муружаат қилган, лекин жавоб олмаган. «Шундан кейин «Пахтакор» клуби бош директори электрон мактуб жўнатдим, унга ҳам жавоб олганим йўқ», дейди терговчи.

-Жаноб Жуковский ҳақиқатан «Пахтакор» футбол клубида ишлагани, йўқми буни билиш учун Ўзбекистон расмийларига айрим шахслар билан суҳбатлашишга рухсат беришларини сўраб муружаат қилдим, лекин улардан жавоб бўлмади. Шундан кейин, ўтган ҳафта «Пахтакор» бош директорининг ўзига имейл жўнатдим, лекин ундан ҳам ҳозирча жавоб бўлмади,- дейди Швеция прокуратураси терговчиси Кристер Петерсон. «Пахтакор» ФК бош директори Рустам Кўпайсинов (расм «Пахтакор» расмий сайтидан олинди)

«Пахтакор» ФК бош директори Рустам Кўпайсинов (расм «Пахтакор» расмий сайтидан олинди) Озодлик «Пахтакор» клуби бош директори Рустам Кўпайсиновнинг ўзи билан ҳам боғланишга муваффақ бўлди. Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда Кўпайсинов Швеция прокуратурасидан электрон мактуб олганини тасдиқлаб, бу ҳақда «керакли одамларга хабар қилдим. Мен сиз билан бу ҳақда гаплашадиган ваколатим йўқ», дея таъкидлади. Озодликнинг «2011 йилда Юрий Жуковскийга Шенген визаси берилишини сўраб расмий хат ёзиб берганмисиз», деган саволига «Пахтакор» жамоаси бош директори:

«Бу масалаларнинг менга умуман алоқаси йўқ. Мен кимгадир виза олишга ёрдам берсаму, у ерга бориб нимадир қилиб қўйса, мен айбдор бўлишим керакми? Мен бу мавзуда умуман гаплашишни истамайман», дея жавоб берди. Эслатиш жоиз, 2011 йилда «Пахтакор» футбол клуби президенти лавозимини ўзбекистонлик таниқли тадбиркор

Терговчи Кристер Петерсоннинг айтишича, расмий сўровномада Жуковскийнинг Эстониядаги футбол клубига тажриба алмашиш учун бориши ёзилган. Лекин Европа Иттифоқи ҳудудида бемалол ҳаракатланиш ҳуқуқини берадиган Шенген визасини олган гумонланувчи Эстонияга бориш ўрнига, Швецияга келган, дея давом этади терговчи.

-Биз бу футбол клуби билан боғландик. Ҳақиқатан, бу клубдан фалончи келса бўладими, деб сўрашган. Лекин у (Жуковский-тахр.) келмаган. Аслида эса, у Эстониядаги футбол клубига бориш керак бўлган вақт давомида Швецияда бўлганини аниқладик.

Швед терговчиси Жуковскийнинг Шенген визаси Латвиянинг Россиядаги элчихонаси томонидан берилганини кўшимча қилди.

Кристер Петерсон пайшанба кунги сўроқ пайтида Жуковский айрим маълумотларни берганини ва тергов билан ҳамкорлик қилишга мойиллик кўрсатаётганини таъкидлади. Лекин Озодликнинг Жуковский «Пахтакор» клубида ишлаганини тан олдимиз, деган саволига ҳозирча жавоб бера олмаслигини билдирди.

Ўзбекистонлик таниқли имом, Тошкент ҳукуматининг ашаддий танқидчиси Обид қори Назаров 2012 йил 22 февраль куни Швециянинг Стромсунд шаҳридаги уйи йўлагиде суиқасдга учраган эди. Уч ярим йилдан бери фалаж ҳолатда қолаётган имомга бевосита ўқ узганликда гумонланаётган Юрий Жуковский ўтган ҳафта Россиядан Швецияга экстрадиция қилинди.

Озодликка ҳафта бошида интервью берган швед терговчиси суиқасдни Жуковский амалга оширганини ва унинг ортида Тошкент ҳукумати туришини судда исботлаш ниятида эканини таъкидлади.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— Мен бараварига еттита маразинг бошига етганман! — “очила” борарди у. — Ун етти йил турмада ўтирдим. ҳозир ўттиз бешдаман, билдингми? Умримни хазон қилганлардан ўч олганман... Аммо афсусланмайман. Чунки, тўғри иш тутдим ўшанда. Менинг ўрнимда сен бўлсанг ҳам шундай йул тутардинг.

— Сени кимлардир зўрлаганмиди?

— Зўрлаган... Зўрлага-ан... Йўқ, уч эркак ваҳшийлик қилган... Биргалашиб номусимни поймол қилишган. ҳа-а!.. Мен ҳам қараб турмадим. Аввалига чидадим... Чидашга мажбур эдим... Сал бўш қўйишгандан сўнг ҳаммасини маст қилиб битта-биттадан дарахтга бойладим-да, бўғавердим... То ўлмагунча қўйиб юбормадим... ҳа, шу йул билан у маразлардан ўч олдим...

Мариянинг кўзларида ёш қалқиди. Очиғи, шу лаҳзаларда Савелий воқеаси буткул ёдимдан кўтарилган, қаршимда ўтириб йиғлаётган аёл сиймосидаги қотилни юпатишга чора топа олмасдим.

— Бу дунёда ҳақиқат йўқ! — дея давом этди Мария йиғи аралаш. — Уша кунни эсласам, даҳшатга тушаман. Одамлар разил экан. Уларда раҳм-шафқат йўқ экан. Турмадаям тўрт марта қўлим қонга буялди.

— У ерда нима сабабдан одам ўлдирдинг? — сўрадим мен.

— Э, нашанинг орқасидан бўлган... Қўй, ярамни янгилама! Яхшиси, қуй ароқни!

— Балки етар! — дедим бир шишага, бир Мариянинг кўзларига боқиб.

— Қуй дегандан кейин қуй-да! Бу уйда мен хўжайинман, билдингми?!

— “Улиб кетмайсанми, манжалақи?” — сўкиндим ичимда. Ва зарда билан дастурхондаги қадаҳни олдим-у, атайин тўлдириб қўлига тутқаздим.

— Қани, ич! Ичмайсанми?.. бақирдим унга. — Нега қараб турибсан? Ич!

Аёл бундай муомалани кутмаганди. Жавдираб кўзларимга тикилиб турди-да, бўшашганча қўлидаги қадаҳни дастурхон устига қўйди.

— Кечир, мард инсон! — деди ҳазин товушда. — Сенга қаттиқ гапириб юбордим. Кечир! Бўлди, ичмайман!.. Илтимос, мени каравотга ётқизиб қўй! Кайфим ошиб қолди. Ётқизасанми?

Мен индамасдан ўрнимдан туриб Марияни даст кўтардим-да, каравотга ётқиздим.

У боши ёстикқа теккани ҳамоно хуррак ота бошлади.



Зулматдаги умр-11

Ярим тун эди. Ташқарида кучли шамол аралаш қор гупиллаб ёғар, дераза тирқишларидан кирган совуқ этни жунжиктирарди.

Мен кайфим сал тарқагандан сўнг, елкамга юпқароқ кўрпача топиб ёпиб олганча полга чўзилдим.

Шарик ҳам қорни тўйгач, олд оёқларига бошини қўйган қўйи ухларди.

Шу пайт Мария уйқу орасида кимларнидир бақириб қойган бўлди. Уз овозидан уйғониб кетдим, даст ўрнимдан туриб ўтирди-ю, мен томон ўгирилди.

— Нега ухламаяпсан? — сўради у. — Чанқадим. Илтимос, менга бир стакан муздай сув бер!

— Узинг тура олмайсанми? — қайсарлигим тутиб, атайин ғашига текким келди.

— Илтимос, бера қолгин! — ялина бошлади Мария. — ҳозир ўрнимдан кўзғалсам, ийқилиб тушаман.

Мен секин нариги хонага ўтдим-да, челақдаги сувдан бир стакан келтириб унинг қўлига тутқаздим. Мария сувни бир хўплаб, қолганини полга қўйди.

— Энди ёнимга ўтир! — деди у кутилмаганда оёғимдан маҳкам қучиб. — Утирмагунингча қўйиб юбормайман.

Иложсиз Мариянинг ёнига ўтирдим. У энди елкамдан кучоқлаб олди.

— Менга ёқиб тушдинг, мард йигит! — деди у лабларини қулоғимга жуда яқин олиб келиб. — Эшитаяпсанми?.. Нега индамайсан?..

Аёлниг қайноқ нафасини димоғимда тўйиб, хаёлларим чалкашди. Вужудим аланга бўлиб

ёна бошлади.

Охири бўлмади. Марияни маҳкам қучиб, лаблари-ю, сийналарини ўпа кетдим...

20 ноябрь

Биз шу кеча деярли мижажа қоқмадик. Бир-биримизни ялаб-юлқадик. Ора-сирада ароқ ичдик. Хуллас, ёруғ дунёнинг лаззатидан баҳра олдик.

Қизиғи, Шарикка бизнинг қилмишларимиз ёқмадим, ташқарига чиқиб кетганча қайтмади. Лекин мен ит ҳақида қайғурадиган аҳволда эмасдим. Кўзимни шира босган. Мариянинг қайноқ бағридан бўлак ҳеч нарсани кўрмадим.

Фақат... Эрта тонгда туриб изғиринли ўрмонга чиққанымдан кейин хушёр тортгандек бўлдим. Қилиб қўйган ишларимдан пушаймон ея бошладим.

Кўз ўнгимда Еленанинг маҳзун чехраси намоён бўлди. У худди мени кузатиб тургандек, йиғлай-йиғлай қарғаётгандек туюлиб кетди.

Устига устак Савелий амаки кўмилган тарафга кўзим тушди-ю, ичим музлаб, қалбимни кўрқув ҳисси эгаллади.

— Нималар қилиб қўйдим? — дея ўйладим. — Мен, ахир, одам ўлдирдим! Бу ҳам етмагандек, Еленага хиёнат қилдим. Нега? Нима учун ўзимни тўхтата билмадим? Энди нима бўлади? Мария билан қолиб кетаманми? Бир кун келиб турмадагилар тутиб олишса-чи? Унда тақдирим қандай кечади?

— хой, қочқоқ, бу ерда нима қилиб турибсан? — таниш овозни эшитиб шоша-пиша ортимга ўгирилдим.

Мендан сал нарида Мария қалин пальтосига ўранганча қўлида бир шиша ароқ тутиб турарди.

— Қотиб қоласан-ку совуқда, жоним! — дея яқин келиб елкамга бош қўйди у. — Юрақол, манавини ичайлик! Бошим тарс ёрилай деяпти! ҳа, мен ич-ичимдан қанча афсус чекмай, барибир, шу келишган, жозибали аёл қаршисида ожиз эдим.

Уни маҳкам кучдим-да, ичкарига етакладим.

Ичкарига киргач, Мариянинг ўзи шишадаги ароқни иккита стаканга қўйиб бирини менинг қўлимга тутқазди. Ичиб дастурхондаги қолган-қутган бодринг бўлақларини газак қилдик. Ичкилик баданини қиздириб, кўзлари мошдек очилган аёл бир муддат менга тикилиб қолди-да, бош чайқаб ўрнимдан турди.

— Қани, тур-чи! — деди у билагимдан тортиб. — Турақол!

— Нега? Тинчликми?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

— Турсанг-чи!
Мен сакраб ўрнимдан туриб қаддимни ғоз тутдим.

— Қара, — деди Мария эгнимдаги пальтони ғижимлаб. — пальтонг оҳори кетиб кийишга яроқсиз бўлиб қолибди.

— Нима қипти? Бори-да!
— Йўқ, тўхта!.. — Мария нариги хонага чопиб кирди-да, зум ўтмай қўлида деярли янги эркаклар пальтосини кутариб чиқди.

— Манавини кийиб ол! — пальтони менга тутқазди у. — Тез кийиб ол! Сенга лойиқ келади.

Мен ҳайрон бўлиб елка қисиб олганча эгнимдаги эски пальтони ечдим-у, янгисини кийдим.

— Ярашди! — дея мени айланиб томоша қила бошлади Мария. — Жуда ярашди!.. Энди шу сеники. Сендай йигит эски-тускида юрса, уят бўлади!..

— Раҳмат! — дедим хижолат тортиб. — Шарт эмасди... Эскиям бўлаверарди менга...

Шу пайт сира кутилмаган ҳодиса содир бўлди.

Мария беихтиёр қаршимда тиз чўкиб, икки қўли билан янги пальтонинг этакларини маҳкам ғижимлади... Ва тўсатдан ўкириб йиғлаб юборди.

— Энди нима қилама-ан?.. Миша қани? Қани Менинг Мишам?.. Нега бир ўзим қолиб кетди-им?.. Миша!.. Шу пальтони ўзинг кийиб юрсанг бўлмасиди?..

Мария даст ўрнидан турди-да, хонани айланиб дод сола бошлади.

Мен нима қилишни билмасдим. На аёлни тинчлантиришни, овутишни билардим. Турган жойимда тош қотганча қолиб кетгандим.

— Михаил! Кечир мени! Кечир мен ношудни!.. Сенинг ҳолингдан хабар ололмадим! Йў-ўқ! Чидай олмайман! Чидолмайман!..

Охири бўлмади. Мариянинг қўлларидан маҳкам тутиб ўрнидан турғаздим.

— Нега йиғлайсан? Ким ўзи Миша? Нега дод солаяпсан? Гапирсанг-чи!..

Мария қайта-қайта силташларимдан сўнг сал ўзини босиб кирланиб кетган якандоз устига ўтирди.

Энгига кўз ёшларини артиб бош эгди.

— Гапир! — дедим рўпарасига чўқарканман. — Йиғлашларингнинг сабаби нима?

— Бунинг тарихи узун. — гап бошлади Мария ҳиқиллай-ҳиқиллай. — Бир пайтлар мен ҳам ўзимни дунёдаги энг бахтли аёл деб ҳисоблардим. Миша билан никоҳдан ҳам ўтгандик. Рухонийнинг ўзи ҳам бизга боқиб ҳавас қилганди. Афсуски, пешонамга сизмаган.

Балиқ овига бориб... Тўйиб ичган-у, ухлаб қолган... Совуқда...

— Тушундим. — дедим унинг сўзини бўлиб. — Совуқда қотиб қолган экан-да!.. Тўхта, қачон бўлган ўзи бу воқеа?

— Ун саккиз ёшимда... Шу воқеадан кейин сал ўтмай, кечаги айтган ишлар бўлиб кетди...

— Ҳа-а, — бош ирғаб қўйдим Марияга ачиниш билан тикилиб. — демак, у аблаҳлар эрингни танишаркан-да!..

Мария боши билан маъқуллаб қўйди.

— Ҳўп, майли, — у лаб тишлаб қўлига ароқ шисасини олди. — дийдиё қилган билан қайтиб келмайди Миша... Шунчаки... Анави пальтосини кўриб кўнглим бўшаб кетди...

Аёл стакандаги қолган ароқни

Зулматдаги умр-11

бир кўтаришда симирди-да, секин келиб тиззамга бошини қўйди.

— Биласанми, — эркаланган оҳангда сўз бошлади у. — сен мени бойитиб юборишинг керак. Ҳа, пулдор бўлишни хоҳлайман.

— Қандай қилиб бойитаман? Менинг хазинам бормиди?..

Мария бир четда индамайгина ётган Шарикка ишора қилди.

— Ана, овчи итинг бор. Оқ какликлар тутиб беради сенга. Сен бўлсанг, уларни сўйиб, ичидаги олтин зарраларини оласан.

— Оқ каклик дедингми? Демак, ўша қушларни каклик деб аташди-а, шундайми?

— Ҳа-да, — жонланиб қаддини кўтарди Мария. — Уша сен тутиб ичидан олтин зарраларини топган қуш каклик. Фақат уларнинг ҳаммасиям олтин ютавермайди. Нима бўлмасин, барибир сен менга кў-ўп олтин топиб беришинг шарт.

— Топиб бермасам-чи?.. — негадир қайсарлигим тутиб сўрадим мен.

— Топасан. — деди Мария қатъийлик билан. — Топмай қаерга ҳам борардинг.

— Шунақа дегин? Сен ҳали мени фақат шу нарсга учун ёнингда ушлаб турибсанми?

— Йўқ, йўқ, — Мария кутилмаганда икки елкамдан тутиб бир-икки силтаб қўйди. — сен менга эркак сифатидаям кераксан. Бироқ... Бекор ўтиргандан нима фойда? Ўзинггаям яхши-ку!

— Адашяпсан. Менга бойлик керак эмас. Ҳали қиладиган ишларим кўп. Биласан-ку, турмадагилар барибир қидиришади.

— Ҳой, қанақанги қайсар одамсан ўзинг?.. Бу уйда менинг айтганим

бўлади. Айтганимни қилмагин-чи... Мана шу қўлларим билан ўзим тутиб бераман сени.

— Яхши бўларди тутиб берсанг. — дедим жаҳлим чиқиб. — Шундоқ ҳам Еленани соғиндим.

— Нима?.. Қанақа Елена? Ўчир овозингни! Сен энди меникисан, билдингми, меники!..

Бу аёлнинг шунчалар ўзгарувчанлигини сўнги дақиқаларда пайқай бошлагандим. Ундайларга тил билан бас келиб бўлмайди. Яхшиси, индамасдан ўз ишимни қилаверганим дуруст эмасми?..

Шуларни ўйларканман, индамадим. Жанжаллашишни ўзимга эп кўрмай, Шарикни етаклаганча ташқарига чиқиб кетдим. Урмон томон кетиб борарканман, Мариянинг "Қани, мендан бошқасини деб кўр-чи! ҳаммангни бўғизлаб ташлайман!" дея бақираётгани аниқ эшитилиб турарди.

21 ноябрь

Тунда яна йўталиб қўзғаб тонгга қадар мижжа қоқмадим. Мария эса пишиллаб ухлар, уйку орасида қур-қур йўталганимни эшитиб сўкиниб кўярди.

Хўрлигим келди. Кўз ўнгимда онадек меҳрибон Еленанинг ёқимтой чехраси ҳар гавдаланганда полда бошини икки олд оёғи орасига олганча мудраётган Шарикни силаб-силаб олдим.

Айниқса, бу аёл кечаги гаплари, устига-устак, тундаги суюқоёқларга хос қўпол ҳаракатларидан сўнг кўзимга шумшук кўриниб қолганди.

Этиборсизлиги ошиб тушди.

— Итдан тарқаганга пича олтин топиб берсайдим, — ўйлардим ўзимча. — даф бўлардим шу сассиқ уйдан. — Дунёга келиб бу қадар ёқимсиз, сўхтаси совуқ аёлни учратмагандим. Пешонам қурсин! Ҳа, тонг отса бас, каклик овлашга бораман. Ажаб эмаски, эртагаёқ жўнаб юборсам. Шунинг ёнида азоблангандан кўра, турмадагиларнинг қўлига тушиб, камерада ўтирганим маъқул эди...

Ниҳоят тонг отди. Кечаси ҳаддан зиёд кўп ичиб юборган Мария ҳамон хуррак отарди. Мен у томон нафрат аралаш қараб қўйдим-да, Шарикни етаклаб ташқарига йўл олдим.

Қор деярли тинибди. Қуруқ совуқ баданнинг очик қолган жойларини узиб олай дерди.


Мен пальтонинг ёқасини кўтариб, қулоқларимни ёпганча таваккал дарё томон жўнадим. Ит олдинда гўёки йўл кўрсатиб борарди.

Икки қақиримча йўл босгач, сокин оқаётган дарё бўйига ҳам етиб келдик.

(Давоми келгуси сонда)

“Альянс” инсон ҳуқуқлари ташкилоти етакчиси Елена Урлаева шу йилнинг 14 август куни ҳарчанд уринмасин мени ҳатто “Тез ёрдам” машинаси билан ҳам бирор бир тиббиёт муассасасига даволаниш учун ётқиза олмагач, “Фойдаси йўқ” дейишимга қарамасдан, Президент қароргоҳи олдида пикетга чиқиб кетдилар. Эртанги кун “Мукофоти”га милиция ходими томонидан калтакланиб, оёғидан оғир жароҳат олди. Гарчи гипсни ечган бўлса-да, ҳуқуқ фаолининг оёқлари ҳамон шишиб кетган, босишга ярамаётир.

Қалбимни ларзага солган нарса шуки, имконсизликдан шифтга термулиб ётганимда Елена Михайловна гипс оёғига



совуққонлик қилган шифокор эмасману? Модомики, “02” га қўнғироқ қилганлиги учун даъвогарга жазо тайинлаш жоиз экан, у ҳолда қонун нимани талаб қилса, қонун асосида иш қилаверинг. Лекин, Тошкент вилояти, Зангиота туманининг мен доимий рўйхатда турадиган ҳудуди Тошкент шаҳрига қўшиб олинганига бир ярим йилдан ошиб қолди. Демак, мен ўз-ўзидан Тошкент шаҳрида пропискаси бор фуқаро ҳисобланаман. Гапларимга шубҳа қилсангиз, биладиганлардан сўраб қўришингиз мумкин. Ўтган йили эди, Юқоридан келган орган ходимларидан бир йигит Мустақиллик айёми олди “хавфсизлик чоралари” бўйича

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИ ОЛДИ ҲУКУМАТ МЕНИНГДЕК ХАСТАНИ ҲАМ ТАҚДИРЛАДИ

селафан кийиб, пойабзалсиз, ҳасса кўмагида ҳаққалаб, соғлиғимдан хабар олгани келибдилар.

Бироқ вазналари оғирлигини кўтара олмаган жароҳатланган оёқлари дам солинган шардек шишиб кетди.

Шу кўргуликдан кейин Урлаева билан телефон алоқаси орқали хабарлашиб туришга мажбур бўлдик.

17 август куни ўзимни ёмон ҳис қилавергач, маҳаллий вақт билан соат 10.00 ларда яшаш манзилимга қарашли Учтепа туман 24-сонли оилавий поликлиникага “Чақирув” беришга мажбур бўлгандим. “Чақирув”ни қабул қилиб олган ҳамшира “Оилавий шифокорингиз бугун кечга яқин боради” дейишига қарамасдан, шу куни негадир бирор бир поликлиника врач бемор чақирувига асосан тиббий кўрикдан ўтказиш, маслаҳат беришга келмади.

Вазиятдан хабардор бўлган Урлаева “Тез ёрдам” машинасида касалхонага борсанг, шифокорлар қабул қилишмаса, уйингга консултацияга чақирсанг, келишмаса, бу нимаси?” дея оилавий поликлиника врачларининг ўз касбига совуққонлиги хусусида “02” га хабар бериб юборгандилар.

Шу куни тунги соат 23.00 ларда участка милиция таянч пунктдан Санжар исмли ходим келиб мендан воқеълик хусусида ариза ва тушунтириш хати олиб кетганди.

26 август куни участка нозири чорлаб қолди. Кеч соат 21.30 ларда

қўшни домга —милиция таянч пунктга ўтдим.

Участка нозири майор Яшин Маманов мени ўта хушмуомилалик билан қарши олгач:

Сиз ўзингиз тушунган аёлсиз. Мен шифокорлардан ҳам тушунтириш хати олгач, Сизнинг аризангизга оид “дело”ни Учтепа туман прокурорига оширгандим. Прокурор “Иш”ни қайтарди. “Аризачи Эшонқулованинг пропискаси Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлишига қарамасдан, ўзи Тошкент шаҳрида, Учтепа туманида, 23-кварталдаги уйда ҳатто вақтинча ҳам рўйхатга қўймасдан, ноқонуний истиқомат қилаётган экан. Энг аввал аризачи Эшонқулованинг ўзига жарима солиб келасан” деб “поручения” бердилар.

Қонун-қонидани яхши биласиз, опа. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасида “Прописасиз яшаш мумкин эмас”лиги, кимки бу модда талабини бузса, жаримага тортилиши кўрсатиб қўйилган. Нимаям қилардик. Мамлакат қонунини шу. Бу паспорт тизими қондаларини бузиш ҳисобланади. Сиз ҳуқуқбузарсиз. Прокурорни топширигини амалга оширмасак бўлмайди, хафа бўлмайсиз энди, сизни жаримага тортишга мажбурман, — деди участка нозири.

Тушунмадим, мен ж а в о б г а р м а н м и , жабирдийдаманми? Ўз касбига

хонадонларни “тафтиш қилиб” юрган экан, эшигимни уриб қолди. Очдим. Прописка сўради. Паспортимни бергандим, “Ҳа, бир қадам нарида доимий рўйхатда тураркансизу. Шаҳарлик бўлдингиз ҳисоби. У ҳудудлар аллақачон Тошкент шаҳри тасарруфига ўтган” деб кетганди. Шундаям менга жарима соласизларми? Шу қонунийми?

Аmmo мен Сизларга бир сафар паспортимни вақтинча ҳисобга қўйиш учун истиқомат қилаётган уйим номига расмийлаштирилган қариндошимдан ИИБ бошлиғи номига “... паспортини 6 ой муддатга вақтинча рўйхатга қўйишингизни сўрайман” деган мазмунда давлат нотариал идораси тасдиқлаган аризасини келтириб бергандим:

Ўшанда худди мана шу Учтепа тумани ИИБ “Фарход” маҳалласи профилактика инспектори, капитан Раҳматуллаев Акром Тохирович “Бизга нотариал идоранинг тасдиқланган аризаси ўтмайди. Нотариал идора тасдиқланган аризага асосан вақтинча рўйхатга қўйиш мумкин эмас. Айтинг, уй эгасининг шахсан ўзи келиши шарт” дея ноқонуний талаб қўйиб, оёқ тираб туриб олгандилар. (Ҳозирги пайтда вақтинчалик рўйхатга қўйиш вазифаси учатска нозирларига юклатилган).

Уй эгаси Навоий вилоятидан биргина бизнинг паспортимизни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун ишини ташлаб, харажат тортиб Тошкентга кела олмаслиги боис ҳам давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган аризасини йўловчи машиналардан бериб юборганди.

Ажабланарлиси шуки, қариндошимнинг аризасини тасдиқлаган Навоий вилоятидаги давлат нотариуси менинг хусусий идорам эмас, давлат нотариал идораси. Нотариал идора тасдиқлаган барча ҳужжатларни судлар тан олади, прокурор қабул қилади, молия билан шуғулланадиган банклар ҳам эътироф этади-ю, нимага энди нотариус тасдиқлаган “Аммамнинг паспортини вақтинча рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман” деган мазмундаги оддийгина ариза милиция таянч пункти инспекторлари томонидан инобатга олинмас экан? Нега ўзларинг қонун идорасида ишлаб, қонун талабларини тан олмаяпсизлар?” деб сизлар билан кўп тортишгандим ўшанда. Назарга ҳам илмагандингиз. Фойдаси бўлмаганди.

Шунда бир ҳақиқатни англаб етдимки, ҳатто уй эгасининг ўзини келтирган тақдиримда ҳам мени барибир вақтинча рўйхатдан ўтказмасликнинг пайида бўлардингизлар. Боиси, тепадан сизларга шундай кўрсатма келганини тушуниб етгандекман. Шу-шу сизларга “вақтинча рўйхатга қўйинг” деб паспортимни кўтариб келмайдиган бўлганман. Бу ерда қонунни менмас, аввало

сизлар бузгандингиз. Қолаверса, менга қолса, ҳозирроқ вақтинча эмас, доимий рўйхатга қўярдим. Лекин бунга бир-бирини инкор қиладиган, фуқаролар ҳуқуқини буғадиган чалқаш қонун-қоидалар айбдор аслида, — дедим хафа бўлиб. Ўз ватанимда “ўғай бола” эканлигим жон-жонимдан ўтиб кетди.

Рости-да, қаранг, бугунга келиб ҳукуматимизнинг инсон эркини жиловлайдиган, мамлакат фуқаросини таҳқирлайдиган паспорт тизими ҳақидаги бемаъни қонун-қоидаси тавонини мен тўлашга мажбур бўлмоқдаман.

Бирок 40-таянч пункти участка ноziри Яшин Маманов “Ўша пайтда мен участка ноziри эмасдим.

Бу ноқонуний ишга мен бош-қош бўлмаганман, мендан олдинги участка ноziри Ақром Раҳматуллаев хатога йўл қўйган. Бу оҳ-воҳингизни қўйинг, Ақромнинг ҳаракатига мен жавобгар эмасман” кабилида жавоб қилди бепарвогина ва қайтага менга нисбатан тезда “Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши” бўйича қарор қабул қилишга шовди. Қисқаси, Яшин Маманов мени 118 минг 400 сўм жарима билан жазолади:

Ва ҳатто қўлимга банкга тўлов қоғози — “квитанция” ёзиб беришни ҳам унутмади.

Арзимаган сўммага шунча маҳобатми дерсиз?

30 йилдан буён ўз ватаним пойтахтида муҳим яшаб туриб, доимий у ёқда турсин, ҳатто вақтинча ҳам паспортимни рўйхатдан ўтказа олмагач ўртанаман-да! Алам қилади....

Оилавий бюджетни емириб кетадиган томони шундаки, шу йилнинг 7 май куни қизим Ҳақимова Зарнигор ҳам “вақтинча пропускасиз яшаётганлиги учун” 118 минг 400 сўм миқдорида жаримага тортилганди. Икки ой илгари айнан участка ноziри Яшин Маманов қизимга ҳам шу масала юзасидан жарима



солганди: Тоғаси унга ҳам Тошкентдаги ўз номидаги уйга паспортини вақтинча рўйхатга қўйиш ҳақидаги аризасини нотариусдан тасдиқлатиб, жўнатганди:

Афсуски, давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган аризани участка ноziри томонидан тан олинмади. Шу боис, ушбу аризаларнинг асл нусхаси қўлимизда қолиб кетди.

Катта қизим Ҳақимова Зарнигор Авазовна ҳали ёш. Шу сабаб ҳаёт қитмирликларини билмайди. У участка нозирларининг нима сабабдан ноқонуний ишга қўл урганликларини тўлиқ тушуниб етмайди. Қонунга сўзсиз амал қилиш истагида кўп кечиктирмай жаримани тезда тўлаб, қутилди:

Хуллас, ойнинг бирида паспорт пропускасиз баҳона қизимни жарима билан жазолашади, кейинги ойда мени.

Жаримабозликлар бир, икки бўлмайди. Ойлар чархпалакдек айланаверади, жарималар сони кўпаяверади.

Бу ҳол қачонгача давом этади? Давлатимиз бўшаб қолган ғазнасини биз каби фуқароларнинг жаримаси орқали тўлдиришга азму қарор қилган кўринади.

Эҳтимол, шу сабаб ҳам “Паспорт тизимига оид” “лабиринт” қонун-қоидалар қабул қилингандир. Фуқароларнинг боши айланиб, йўлларида адашиб

(Давоми кейинги саҳифада)

Учтепа ТНИБ				
Банк муассасаси ИПАК ЙУЛИ				
Х/Р 23411000800447878162				
БММ рақами 00405				
Ф.И.Ш. <i>Эшонқулова Малолот Хуррамовна</i>				
Яшаш манзили: <i>Тошкент ви. Замота т.ж.</i>				
Тулов тури	Утган йил қарзи	Жорий йил туловлари	Сана	Пул миқдори
Туловчи	✓		Жарима	118.400 сўм
			Жами	

Учтепа ТНИБ				
Банк муассасаси ИПАК ЙУЛИ				
Х/Р 23411000800447878162				
БММ рақами 00405				
Ф.И.Ш. <i>Эшонқулова Малолот Хуррамовна</i>				
Яшаш манзили: <i>Тошкент ви. Замота т.ж.</i>				
Тулов тури	Утган йил қарзи	Жорий йил туловлари	Сана	Пул миқдори
Туловчи	✓		Жарима	118.400 сўм
			Жами	

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қолишини иштаётгандир? Паспорт тизимида ҳам жарима тўловчилар сонини кўпайтиришни хоҳлашаётгандир? Ким билсин, балки биз каби (амалдорларга пора тикиштирмаганлиги учун) паспортини ўз ватани пойтахтига 30 йилдирки на доимий ва на-да вақтинчалик рўйхатга кўюлмаганларга солинаётган жарималар кўмагида “Шарқ тароналари” анжумани дабдабали ўтаётгандир? Мустақиллик кунини нишонлаш харажатлари ҳам биз кабиларнинг жаримасига “кўз тикиб” тургандир? Пенсиялар нафақаси, ўқитувчи, шифокор каби ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши ҳам биздан олинажак жарималарга “умидвор” ўтиргандир?

Ҳа, яна бир гап: Саломатлигим сабаб Урлавеа томонидан айнан “02”га кўнғироқ қилинган, менга жарима солинди.



Нега?

Таассуфки, қизим ҳам айнан “02” га кўнғироқ қилгани ва шикоят ариза ёзганлиги сабабли “пропискасиз” дея жарима билан ҚЎРҚИТИЛГАНДИ.

Ҳа, шундай!

Ҳаётини тажрибам орқали шунга гувоҳ бўлдимки, кимда-ким “02” га сим қокса, ариза ёзса, прокурор ИИБ ходимлари кўмагида энг аввало аризачининг ўзига молиявий таҳдид қилишаркан. Ўз ҳуқуқини талаб қиладиган, шикоят ариза ёзадиганларни жарима орқали

қўрқитишаркан. Шу йўл билан шикоятлар ва шикоятчилар сонини камайитишга уринаркан.

Айни Мустақиллик айёми олди фуқароларни жарима кўмагида қакшатиш ҳукумат учун шунчалар қувончлими?

Жаримага оид бу жазо менга тақдим этилган мустақиллик “мукофотими”...

Куёшли диёримизда ҳақсизлик деганлари ҳам ҳеч барҳам топармикин?

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист

Барак Обама диктаторларга сасланди: Ҳеч кимнинг умрбод президент бўлишга ҳаққи йўқ

АҚШ президенти Барак Обама диктаторларга оғоҳлантирувчи хабар йўллади. Ўз нутқида Обама конституция ва қонунларни ўзгартириш орқали ўз муддатларини мажбурий равишда ўзгартириб «умрбод президент»га айланаётган раҳбарларни танқид остига олди. Эфиопияда бўлиб ўтган Африка Иттифоқида сўзга чиққан Барак Обама учинчи бор президентлик сайловида номзодини кўйган тақдирда ҳам ғалаба қозонишга ишонишини, лекин АҚШ Конституцияси бунга изн бермаслиги таъкидлади. Барак Обама ҳеч кимнинг қонунлардан устун бўла олмаслигини, ҳатто президент бўлган тақдирда ҳам қонунларга риоя қилиши шартлигига алоҳида урғу берди.

Видео транскрипцияси:

Қонун ҳамма учун бир. У ҳатто президент бўлган тақдирда ҳам...

Очиғини айтганда мен бир нарсага тушуна олмайман. Мен президентлигининг иккинчи муддатидаман. АҚШ Президенти сифатида хизмат қилиш мен учун фавқулотда бир имконият бўлди. Мен бундан ортиқ шарафли ишни ёки қизиқарлироқ касбни тасавур қила олмайман. Мен касбимни яхши кўраман. Бироқ Конституцияга кўра қайта номзодимни кўя олмайман. Уйлайманки мен яхши

президентман. Номзодимни қайта кўйсам ютишимга ишонаман. Лекин бунга қила олмайман.

Америка тараққиётининг бардавом бўлиши учун қиладиган ишларим кўп, лекин қонун ҳамма учун қонундир. У ҳатто президент бўлган тақдирда ҳам. Сиз билан очиқчасига гаплашаман — мен президентликдан кейинги ҳаётимга боқмоқдаман. Бундан сўнг доимий равишда хавфсизлик чоралари кўриб юришимнинг кераги йўқ. Яъни мен сайр қиламан, вақтимни оиламга сарфлайман. Ватанимга хизмат қилишнинг бошқа йўллари ҳам топишим мумкин. Африкани кўпроқ зиёрат қиламан. Мен тушунмаган нарса шуки — нима сабабдан баъзи одамлар бунчалик узок вақт ҳокимиятда қолишни иштади... Айниқса уларнинг чексиз молу давлати бор бўлишига қарамасдан... Қачонки етакчи офисида ўтирган ҳолда ўйиннинг ўртасида қоидаларни ўзгартиришга ҳаракат қиларкан барқарорликни таҳдид остига кўяди. Буни биз Бурунди мисолида кўришимиз мумкин. Ва бу хатарли йўл сари отилган илк қадамдир. Баъзида раҳбарларнинг «мен миллатнинг бирлигини таъминлай оладиган ягона шахсман» — деган идаолари қўлоғимизга чалинади. Агар бу чиндан ҳам ҳақиқат бўлса бундай раҳбарлар ўз миллатини тўғри шакллантира олишмабди.

Сиз кетишга тайёр бўлишингиз керак!

Ўз ўрнини бшатиб бериш борасида ўзларидан ўзгармас мерос қолдирган Нелсон Мандела, Мабида ва Жорж Вашингтон каби инсонлардан ўрнак олинг. Улар лавозимларини уддалай олмаганликлари учун эмас, балки лавозимни тарк этиш ва ҳокимиятнинг тинч йўл билан трансформациясига йўл очиш мақсадида бундай йўл тутишган. Ҳозиргина Африка Иттифоқининг тўнтаришларни ва ноқонуний ҳокимият ўзгаришларини қоралагани каби Африка Иттифоқининг обрў-эътибори ва кучли овози Африка халқига ўз раҳбарларининг президентлик муддати ва конституцияга риоя қилишларини таъминлашда ёрдам бериши лозим. Ҳеч кимнинг умрбод президент бўлишга ҳаққи йўқ.

Янги инсонлар ва янги ғоялар билан мамлакатингиз янада ривожланади. Мен ҳали қариб қолганим йўқ, лекин шуни биламанки, янги куч-қувват ва қарашлар билан кимнингдир келиши мамлакатим учун фойдали бўлади.

ЎХХ ахборот бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов